ҒАЛАБА БАЙРАМИ



БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-йил чиқиши.

№ 92 (4339).

9 МАЙ ШАНБА 1970 йил,

Баҳоси 2 тийин.

Л. И. БРЕЖНЕВ, А. Н. КОСИГИН ВА А. А. ГРОМИКО ЎРТОҚЛАР ПРАГАДАН МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИЛАР

ПРАГА, 8 май. (ТАСС махсус мухбири). Чехословакияга борган СССР расмий партия-ҳукумат делегациясига бошчилик қилган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ва делегация аъзолари — КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико бу ердан Ватанига жўнаб кетдилар.

Рузин аэродромида ҳурматли совет меҳмонларини ЧКП Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. Гусак, ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Республика президенти Л. Свобода, Чехословакия ҳукуматининг раиси Л. Штроугал, ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат, ЧССР Федерал мажлисининг раиси Д. Ганес, Чехословакиянинг бошқа партия ва давлат раҳбарлари узатиб қолдилар.

Аэродром биноси Совет Иттифоқи ва Чехословакиянинг давлат байроқлари билан безатилган. Оркестр иккала мамлакат давлат Гимнини ижро этади. Л. И. Брежнев, А. Н. Косигин, Г. Гусак, Л. Свобода ва Л. Штроугал ўртоқлар фахрий қоровул сафини айланиб чиқадилар. Артиллерия салюти гумбирлайди.

Аэродромга чиққан меҳнаткашларнинг вакиллари: «Яшасин Совет Иттифоқи!», «Дўстлик!», «Совет Иттифоқи билан абадий биргамиз!» деган сўзларни қайта-қайта такрорлайдилар.

А. Н. Косигин ва Л. Штроугал ўртоқлар қисқача нутқ сўзлайдилар.

Л. И. Брежнев, А. Н. Косигин ва А. А. Громико ўртоқлар Чехословакия раҳбарлари билан ва кузатиш учун чиққан бошқа кишилар билан самимий ҳайрлашадилар. Чехословакия—Совет дўстлиги шарафига айтилган табрик хитоблари қайта-қайта янграйди.

Самолёт парвоз қилиб Москвага йўл олади.

* * *

Л. И. Брежнев, А. Н. Косигин ва А. А. Громико ўртоқлар шу куниёқ Москвага қайтиб келдилар.

СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ ТАРИХИЙ ҒАЛАБАСИ

КРЕМЛДА ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ

8 майда Кремлдаги Съездлар саройида Москва меҳнаткашлари вакиллари, армия ва флот жангчиларининг тантанали йиғилиши бўлди. Бу йиғилиш совет халқининг Улуғ Ватан урушида қозонган ғалабасининг 25 йиллигига бағишланди.

Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, И. В. Капитонов, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев ўртоқлар Президиумга чиққанларида, ҳамма уларни гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олди. Залдагилар Совет Иттифоқи маршалларини, шунингдек совет халқи фашистлар Германияси устидан қозонган ғалабасининг 25 йиллиги байрамида қатнашиш учун СССРга келган социалистик мамлакатларнинг ҳарбий делегацияларини самимий табрикладилар.

Тантанали йиғилишни меҳнаткашлар депутатлари Москва шаҳар совети ижроия комитетининг раиси В. Ф. Промислов очди.

СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко шонли сана тўғрисида доклад қилди. (ТАСС).

СССР Мудофаа министри А. А. ГРЕЧКО доклади

Азиз ўртоқлар!

Чет эллардан келган ҳурматли меҳмонлар!

Улуғ Ватан урушида Совет Иттифоқининг фашистлар Германияси устидан қозонган ғалабаси инсониятнинг тараққиёт йўлида олға бориши билан алоқадор кўпгина воқеалар орасида энг зўр воқеалардан биридир. Совет халқининг жаҳоншумул тарихий ғалабаси социалистик тузумнинг енгилмас қудратини, унинг капитализмга нисбатан энг буюк афзалликларини ва рад қилиб бўлмайдиган устунлигини намойиш қилди. Уруш совет халқининг урушдан олдин қилган ҳамма ишлари ва бунёдкорликларини, Коммунистик партия ва совет ҳукуматининг бутун сиёсатини қаттиқ синовдан ўтказди.

Улуғ Ватан уруши бутун халқ уруши бўлди. Кўпмиллатли мамлакатимиз халқлари Коммунистик партия раҳбарлигида Октябрь ғалабаларини қаттиқ туриб сақлаб қолдилар, мислсиз мардлик, оммавий қаҳрамонлик матонат ва бирдамликларини кўрсатдилар. Улар социалистик жамиятда эркин ҳаёт ва меҳнат завқини сурган, марксизм-ленинизм ғояларига содиқ бўлган, ленинчи коммунистлар партияси теварагига маҳкам жипслашган халқни тиз чўкдира оладиган куч йўқ эканлигини бутун дунёга яна бир марта яққол исботладилар.

Халқимиз уруш йилларида меҳнат ва жанг майдонида мислсиз шижоат кўрсатди ҳамда қаҳрамон халқ, голиб халқ деган шуҳрат қозонди!

Совет Иттифоқининг ўтган урушдаги ғалабаси жуда катта халқаро аҳамиятга эга бўлди. Бу ғалаба Европадаги кўп мамлакатларни фашистлар асоратидан озод қилди, бутун дунё халқларини фашизмга қул бўлиб қолиш хавфидан халос этди.

Гитлерчилар Германияси ҳамда унинг Европа ва Осиёдаги иттифоқчилари тор-мор келтирилганлиги халқаро революцион, демократик ва миллий озодлик ҳаракатининг юксалиши учун Европа ва Осиёдаги бир қанча мамлакатларда муваффақиятли революциялар қилиш ҳамда жаҳон социалистик системасини вужудга келтириш учун қулай тарихий вазият яратиб берди.

Фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг йигирма беш йиллиги халқимизнинг, бутун прогрессив инсониятнинг катта байрами. Биз ҳозирги кунги марралардан туриб ўтмишга баҳо берар эканмиз, қилинган шижоатнинг аҳамиятини тағин ҳам равшанроқ кўрамиз. Герман фашизмига қарши жангларда ҳалок бўлган миллионлаб кишилар олдида бош эгамиз. Улуғ Ватан урушининг мислсиз эпопеясида қатнашганларни шуҳратлаймиз.

Бизнинг байрамимиз — совет қуролли кучларининг байрами. Бу байрам ўтган уруш ветеранларига, фронт ва мамлакат ичкарисидаги қаҳрамонларга, тарихий ғалабанинг барча бунёдкорларига умумхалқ ҳурматининг ёрқин намойишидир.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиларини КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати номидан ва уларнинг топшириғига биноан ғалабанинг йигирма беш йиллиги билан қутлашга ҳамда социалистик Ватан йўлида қилинган мислсиз шижоат учун кизғин ташаккур сўзларини айтишга ижозат бергайсиз. Бутун совет халқини шу байрам билан қутлашга ва бунёдкорлик ишида унга янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Ғалабанинг 25 йиллик байрамида қатнашиш учун бу ерга Варшава шартномасида қатнашувчи мамлакатларнинг ҳамда бошқа социалистик ва бизга дўст мамлакатларнинг ҳарбий делегацияларини келди. Биз уларни:

Болгария Халқ Республикасининг халқ мудофаа министри, армия генерали ўртоқ Добрий Джуров бошчилигидаги Болгария халқ армиясининг ҳарбий делегациясини.

Венгрия Халқ Республикасининг Мудофаа министри генерал-полковник ўртоқ Лайош Цинег бошчилигидаги Венгрия Халқ армиясининг ҳарбий делегациясини.

Вьетнам Демократик Республикаси Миллий мудофаа министрининг ўринбосари генерал-майор ўртоқ Чан Кюи Хайм бошчилигидаги Вьетнам Халқ армиясининг ҳарбий делегациясини.

Германия Демократик Республикаси Миллий мудофаа министри армия генерали ўртоқ Гейнц Гофман бошчилигидаги Германия Демократик Республикаси Миллий халқ армиясининг ҳарбий делегациясини.

Корея Халқ Демократик Республикаси Миллий мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, бош штаб бошлиги армия генерали ўртоқ О Дин У бошчилигидаги Корея Халқ армияси ҳарбий делегациясини.

Польша Халқ Республикасининг Миллий мудофаа министри броня генерали ўртоқ Войцех Ярузельский бошчилигидаги Польша қўшинлари ҳарбий делегациясини.

Руминия Социалистик Республикаси Қуролли кучлар министри генерал-полковник ўртоқ Ион Ионице бошчилигидаги Руминия Социалистик Республикаси қуролли кучлари ҳарбий делегациясини.

Чехословакия Социалистик Республикаси Миллий мудофаа министрининг биринчи ўринбосари, бош штаб бошлиги генерал-лейтенант Карел Русов бошчилигидаги Чехословакия Халқ армияси ҳарбий делегациясини қизғин табриклаймиз.

Ғалаба байрами тантанасини биз билан бирга ўтказмоқ учун социалистик мамлакатлардан, шунингдек Франция, Италия ва бошқа давлатлардан уруш ветеранлари бу ерга келишди. Фашизмга қарши биргалikда курашган жанговар сафдошларимизни чин кўнгилдан табриклаймиз.

(Давоми иккинчи бетда)

УЛУҒ ЗАФАР ШАРАФИГА

8 майда Тошкентда шаҳар партия комитети, шаҳар ижроия комтети ва Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи ҳарбий кенгаши тантанали йиғилиш ўтказди. Бу йиғилиш умумхалқ байрами — совет халқининг герман фашизми устидан қозонган тарихий ғалабасининг 25 йиллигига бағишланди. Узбекистон пойтахти меҳнаткашларининг вакиллари, Тошкент гарнизонининг жангчилари А. Навоий номли давлат академик театрига тўпланишди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов йиғилиш қатнашчиларини табриклаб нутқ сўзлади.

КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий Бюроси узоқ давом этган гулдурос қарсаклар остида фахрий президиумга сайланди.

Йиғилишда Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-полковник С. Е. Белоножко совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги тарихий ғалабасининг 25 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Тантанали йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, Р. Курбонов, В. Г. Ломоносов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, М. А. Абдураззоқов, М. Т. Турсунов, республика Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров қатнашдилар. (УзТАГ).

СОВЕТ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЧССРГА ҚИЛГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети, Чехословакия Социалистик Республикаси президенти ва ҳукуматининг таклифига биноан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг партия-ҳукумат делегацияси шу йил 5 майдан 7 майгача Чехословакияда расмий визит билан меҳмон бўлиб турди. Совет делегацияси составида: КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. Е. Шелест, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг ЧССР даги элчиси С. В. Червоненко бор эди.

Эълон қилинган ахборотдан маълум бўлишича, 1970 йил 6 майда Прага Кремлининг Владислав залида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида янги Совет-Чехословакия шартномаси имзоланди.

СССР партия-ҳукумат делегацияси Чехословакия фашист босқинчиларидан озод қилинганлигининг 25 йиллиги байрамида қатнашди, бу байрам совет ва чехословак халқлари, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари халқлари бузилмас дўстлигининг ёрқин намойишига айланиб кетди.

Совет делегацияси Прагада бўлган вактида, дейилади ахборотда, ЧКП Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. Гусак бошчилигидаги Чехословакия Социалистик Республикаси партия-ҳукумат делегацияси билан музокаралар олиб борди. Делегация составида: ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР президенти Л. Свобода, ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР федерал ҳукуматининг раиси Л. Штроугал, ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧКП Марказий Комитети Чехия областларидаги партиявий ишга раҳбарлик бюросининг раиси Й. Кемпний, ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Словакия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Ленарт, ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси,

(Давоми иккинчи бетда).

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНМОҚДА

Ўзбекистонда СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи сайлов округларида депутатликка кўрсатилган номзодларни рўйхатга олиш давом этмоқда.

117-Ангрен сайлов округи комиссиясининг мажлисида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Мирзамаҳмуд Мирзарахмонович **Мусахонов** СССР Олий Советининг Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

Чирчиқ электрохимия комбинати аммиак корхонаси синтез цехининг аппаратчиси Алина Ивановна **Костина** 112-Чирчиқ сайлов округидан СССР Олий Советининг Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

(ЎзТАГ).



СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ ТАРИХИЙ ЗАФАРИ

I. Социалистик Ватанни ҳимоя қилиш ленинча ғояларининг енгилмас байроғи остида

(Боши биринчи бетда).

Ўртоқлар! Совет халқининг фашистлар Германияси устидан қозонган ғалабасининг йигирма беш йиллиги алоҳида вазиятда байрам қилинмоқда. Биз ҳаммамиз Коммунистик партиянинг бунёдкори, Совет давлатининг асосчиси, бутун дунё меҳнаткашларининг йўлбошчиси ва устози Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан ўтказилган ажойиб юбилейнинг унутилмас таассуроти остида турибмиз.

Бутун бир революцион давр, совет халқининг буюк ғалабалари Ленининг номи ва фаолияти билан боғланган. Ленин раҳбарлигида 1917 йилнинг Октябрь кунларида ишчи ва деҳқонлар жаҳон тарихида тубли бурилиш қилдилар. Граждан уруши йилларида улар интервентлар ва ички контрреволюция билан бўлган шиддатли тўқнашувда халқаро империализм устидан биринчи ҳарбий ғалабани қўлга киритдилар. Октябрь революцияси қўлга киритган ғалабаларни қаттиқ туриб сақлаб қолдилар.

Ленин байроғи остида совет халқи ва унинг қуролли кучлари Улуғ Ватан уруши йилларида империалистларнинг мамлакатимизга қилинмоқда. Биз ҳаммамиз Коммунистик партиянинг бунёдкори, Совет давлатининг асосчиси, бутун дунё меҳнаткашларининг йўлбошчиси ва устози Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги муносабати билан ўтказилган ажойиб юбилейнинг унутилмас таассуроти остида турибмиз.

Бутун бир революцион давр, совет халқининг буюк ғалабалари Ленининг номи ва фаолияти билан боғланган. Ленин раҳбарлигида 1917 йилнинг Октябрь кунларида ишчи ва деҳқонлар жаҳон тарихида тубли бурилиш қилдилар. Граждан уруши йилларида улар интервентлар ва ички контрреволюция билан бўлган шиддатли тўқнашувда халқаро империализм устидан биринчи ҳарбий ғалабани қўлга киритдилар. Октябрь революцияси қўлга киритган ғалабаларни қаттиқ туриб сақлаб қолдилар.

Ленин байроғи остида совет халқи ва унинг қуролли кучлари Улуғ Ватан уруши йилларида империалистларнинг мамлакатимизга қилган иккинчи ҳужумини даф этдилар, давлатимизнинг — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг шон-шарафини, озодлигини ва мустақиллигини ҳимоя қилдилар.

Империалистлар халқимизни қўлга қурол олишга ҳар сафар мажбур этганида Улуғ Ленининг зафарли байроғи халқимиз курашига мадад бериб турди. Социализм ғалабаларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги таълимотни Ленин даҳосига тенг ақлнинг ўзи яратди. Бу таълимот партиямизнинг, социалистик мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партияларнинг ҳарбий сиёсатига асос бўлиб келди ва асос бўлиб қолмоқда.

Ленин ҳар қандай революция ўзини ҳимоя қила олгандагина арзирлик революция бўла олади, деб таълим берган эди. Империализмнинг агрессия кучлари томонидан доимий ҳужум хавфи остида турган халқимиз иккита амалий вазифани, яъни социализм қуриш ва уни агрессорлардан ҳимоя қилиш вазифасини айни бир вақтнинг ўзида ҳал қилиб боришга мажбур бўлди.

Социалистик революцияни авваллари бошдаёқ бостиришга муваффақ бўлолмаган халқаро империализм Советлар мамлакатини ҳарбий куч билан тор-мор келтириш учун янги планлар тузаверди.

Ғарб давлатларининг реакцион доиралари социалистик давлатимизни кўролмай ва СССРнинг намунаси бутун дунё меҳнаткашларига ўтказаётган таъсиридан тобора кўпроқ кўрқиб, мамлакатимизга қарши янги «салб юриши» ташкил этдилар. Улар халқаро империализмнинг энг агрессив отряди бўлган герман фашизмини ўзларига зарбдор куч қилиб олдилар.

Ғарб давлатларининг ҳукмрон доиралари герман фашистларини Совет Иттифоқига қарши урушга зўр бериб гиж-гижлайвердилар. Улар СССРни якқалаб қўйиш ва Гитлерни Шарққа юриш қилишга рағбатлантириш сиёсатини ўтказа бердилар.

Жаҳон фашистлар агрессиясининг хавфи остида қолган йилларда Совет Иттифоқи тинчлик учун изчиллик ва сабот билан курашди. Агрессорга коллектив зарба беришни уюштирмоқ ва урушнинг олдини олмоқ учун партиямиз ва ҳукуматимиз биронта имкониятни ҳам қўлдан чиқармадилар. Бироқ ғарб давлатлари коллектив хавфсизлик тўғрисидаги, қуролсизланиш тўғрисидаги совет таклифларини рад этиб, бошқа халқлар ва мамлакатларнинг ҳаётий манфаатлари ҳисобидан агрессорни «тинчитиш» билан шуғулландилар. Европадаги кўпгина халқлар ва давлатларга нисбатан тарихда мисли бўлмаган қатор-қатор хоинлик-лар қилинди. Англия, Франция ҳукуматларининг Гитлер билан Мюнхенда тил бириктирганлиги шу сиёсатнинг энг шармандали кўриниши, авжига чиққан нуқтасидир.

Мюнхен иккинчи жаҳон урушининг қонли фожиасига муқаддима бўлди. Чехословакияни, сўнгра эса Польшани немис-фашист босқинчилар чангалига ташладилар. Ғарб давлатларининг ҳукуматлари бу мамлакатларнинг агрессор йўлида гов бўлиб қолишидан манфаатдор эмас эдилар. Улар Совет Иттифоқига ҳужум қилмоқ учун нацистларга дарвозани мумкин қадар кенгроқ очиб беришга ҳаракат қилдилар. Прагага, сўнгра эса Варшавага борадиган йўлни нацистларга очиб бердилар.

Лекин мюнхенчиларнинг фашистлар агрессиясини Шарққа бурибгина қолмай, ўзларини зарбдан сақлаб қолиш учун чизган режалари пуч бўлиб чиқди. Ғарб сиёсатчилари халқнинг, бировга чоҳ қазисанг, ўзинг йиқиласан, деган ҳикматли мақолида жуда аниқ қилиб ифодаланган аҳволга тушиб қолдилар. Фашистларнинг бошлиқлари Совет Иттифоқига қарши уруш бошлашдан олдин Европадаги капиталистик мамлакатлар ҳисобига кучайиб бориш ва СССР билан бўладиган урушда ўзларининг орқа томонларини мустаҳкамлаб олиш ниятида ана шу мамлакатларнинг ўзига ҳужум қилган. Америка, Англия, Франция ҳукмдар доираларининг ғирвогарлик сиёсати инсониятга қимматга тушди. Уларнинг сиёсати кўпгина мамлакатларнинг халқларини фашистлар чангалига тушиб, қирилиш хавфи остида қолишга олиб келди. Гитлерчилар Германияси қисқа муддат ичида, оз-моз бўлсада, жиддий қаршиликка дуч келмай Австрия, Чехословакия, Польша, Франция, Бельгия, Голландия, Дания, Норвегия, Югославия, Греция ва бошқа мамлакатларни босиб олди. Фашист талаларни тўхтатиб қоладиган куч капиталистик дунёда топилмади.

Лекин фашистларнинг раҳбарлари Советлар мамлакати мавжуд бўлиб турган экан ўзларининг жаҳонга ҳукмрон бўлиш планларини рўёбга чиқара олмасликларини билар эдилар. Гитлерчилар ғарбда енгил-елпи ғалаба қозонганларидан кейин СССРга зарба бериш пайти келди, деб жазм қилиб қўйдилар.

Бироқ тарих ўз қонунлари асосида ривожланади. Совет Иттифоқи герман фашизмининг жиноий режаларини барбод қила оладиган куч бўлиб қолган эди. Совет халқи Ленининг социализм қуриш планларини амалга ошира бориб, Коммунистик партия раҳбарлигида тарихан жуда қисқа муддат ичида мамлакатни индустриаллаштирди, қишлоқ хўжалигини коллективлаштирди ва чинакам маданий революцияни амалга оширди. Партия шуни яхши билар эдики, агар армия ўзининг мустаҳкам орқа томонига, давлатнинг бутун моддий ва маънавий қудратига таянмас экан, ҳозирги даврда ҳеч қандай армия душман устидан ғалаба қозона олмайди.

Партиямиз тажрибада синаб кўрилган мана шу илмий қоидага асосланиб, халқ хўжалик ва мудофаа программасини амалга оширди. Бу программани бажариш учун қураш мамлакатимизни социализмнинг забардаст кўргонига айлантириш учун қураш бўлиб қолди. Урушдан олдинги беш йилликнинг уч йили давомида мудофаа саноати маҳсулотининг ҳар йилги ўсиши умуман бутун саноат маҳсулотининг ўсишидан уч баравар зиёдроқ бўлди. Ҳарбий техника ва қурол-яроғ ишлаб чиқариш анча кўпайтирилди.

Партия мамлакатда изчиллик билан социалистик ўзгаришлар қилиб, марксизм-ленинизмнинг ҳаётдан чиниқтираверди. Шунинг учун ҳам 30-йилларда — социалистик қурилиш авж олдирилган, омманинг сиёсий ва меҳнат активлиги ғоят кучайган йилларда Совет жамиятининг маънавий-сиёсий бирлиги узил-кесил қарор топди, совет ватанпарварлиги қудратли куч бўлиб қолди, совет халқларининг дўстлиги тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланди, ишчилар синфи билан колхозчи-деҳқонлар иттифоқи чиниқди. Бу эса ҳар қандай синовга бардош бера оладиган бамисоли мустаҳкам қотишма эди.

Шу тариқа Совет Иттифоқининг юксак мудофаа қобилиятини таъминлаган ҳал қилувчи иқтисодий, социал, сиёсий ва идеологик негиз вужудга келтирилди.

Уруш яқинлашиб келаётган вазиятда ВКП(б) Марказий Комитети ва Совет ҳукумати Совет Қуролли Кучларини мустаҳкамлашга доир катта тадбирларни амалга оширдилар. Янги ўқчи, механизациялашган танк ва авиация қўшилмалари тузилаверди, сув ости ва сув усти кемалари қурилаверди. Урушдан олдинги икки йил ичида ҳаммаси бўлиб 125 та янги дивизия тузилди. Коммунистик партия ҳарбий кадрлар тайёрлашга ва уларни тарбиялашга жуда катта аҳамият берди.

Коммунистик партия, Совет давлати мамлакатимиз халқларининг тинч бунёдкорлик ишини давом эттира олишлари учун ҳамма чораларни кўрдилар. Шу билан бир вақтда партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати империализмнинг босқинчилик моҳиятини яхши билиб, халқаро воқеаларнинг ривожланишини диққат-эътибор билан кузатиб турдилар, мамлакат мудофаасини бутун чо-тўруши бошландилар.

II. Жаҳоншумул-тарихий ғалаба

Совет Иттифоқига қарши урушда герман фашизми империалистик босқинчилик мақсадларининг кўзлаб қолмасдан, шу билан бирга синфий мақсадларини — давлат ва иктимоий тузумни емириб ташлаш, Совет ҳокимиятини ва коммунистик идеологияни тугатиш мақсадларини ҳам кўзлаган эди.

СССРнинг фашистлар Германиясига қарши уруши фақат қуролли кучларнинг тўқнашувидангина иборат бўлмади. Бу уруш икки социал иқтисодий ва сиёсий системанинг — социализм билан капитализмнинг бир-бирига қарши кураши бўлди, бу уруш бир-биридан бошқа-бошқа икки идеологиянинг, яъни фашизмнинг реакцион идеологияси билан прогрессив коммунистик идеологиянинг бир-бирига қарши курашидир. Совет халқи қўлига қурол олиб, Советлар мамлакатини ҳимоя қилди, буюк коммунистик идеалларни, ҳозирги даврнинг энг инсонпарварлик ғояларини сақлаб қолиш учун курашди, жаҳондаги барча эрксевар кучлар курашига бошчилик қилди.

Фашистлар Германияси Совет Иттифоқига ҳужум қилган кундан бошлаб иккинчи жаҳон уруши ҳарбий воқеаларнинг маркази Совет — Герман фронтига кўчди. Гитлер мамлакатимизни босиб олмоқ учун вермахтнинг асосий кучларини: қуруқликдаги жамики қўшинларнинг 80 процентидан кўпроғини, ҳарбий ҳаво кучларининг 90 процентини, минг-минглаб танклар ва тўп-замбаракларни шу фронтга ташлади.

«Яшин тезлигида уруш қилиш» режасини тузган немис-фашист стратеглари СССРга қарши уруш ҳам худди ғарбдаги урушдек бўлади, деб ўйлаган эдилар. Улар Совет Иттифоқи билан урушни 6-8 ҳафта ичида голибона тамомлашни мўлжаллаб қўйган эдилар. Гитлернинг ёрдамчиларидан бирининг ёзишига қараганда, Гитлер «ҳаракатчан қўшилмаларнинг кузги ёнингарчилик фасли бошлангунча Волга бўйига етиб олишига ва Кавказга кириб боришига» амин эди.

Фашистларнинг раҳбарлари «Барбаросса» планининг асосий вазифалари 1941 йил июлининг бошигача бажарилиб бўлади, деб ҳисоблаган эди. Бош штабнинг бошлиғи генерал Галдер ўзининг хизмат режаларини ёзиб қўядиган дафтарига уч йилда қуйидаги сатрларни қайд қилган эди: «Россияга қарши урушда 14 кун ичида ютиб чиқамиз, деб айтсам муболага бўлмайди».

Лекин фашистларнинг сиёсий ва ҳарбий раҳбарлари Совет Армияси қаршилик кўрсатишга лаёқатсиз деб чиқаргани хулосалари жуда шошма-шошарлик билан қилинган хулоса бўлиб чиқди, уларнинг урушнинг бундан буён қай тарзда бориши тўғрисида олдиндан айтиб қўйган фикрлари жуда ҳам пуч бўлиб чиқди. Чунки, чинакам кураш эндигина бошланмоқда эди.

Тўғри, ўша вақтда бизнинг мамлакатимиз жиддий таҳликага тушиб қолган эди. Мамлакатимиз зўр душманнинг ҳужумига учраган эди. Фашистлар Германияси бутун Ғарбий Европанинг иқтисодий ва ҳарбий қудратига таянib курашмоқда эди. Немис-фашист қўшинлари катта жанг тажрибаси орттирган қўшинлар эди. Улар ўзлари тўсатдан бостириб кирганликларидан ва ўзлари танлаб олган стратегик йўналишларда сон жиҳатдан ўзларининг устун эканликларидан фойдаланиб, мамлакатнинг ичкарисига тез бостириб кираверадилар. Душман Болтиқ бўйи республикаларини, Молдавияни эгаллаб олди. Белоруссия ва Украина ерларига бостириб кирди. Фақат немис-фашист генералларигина эмас, шу билан бирга ғарб мамлакатларининг кўпгина буржуа арбоблариға ҳам, фашистлар Германияси яна бир қадам ташласа муддаосига етадигандек бўлиб кўринмоқда эди.

Совет—Герман фронтидаги қуролли кураш бутун дунёдаги одамларнинг диққат-эътиборини ўзига тортди. Совет Иттифоқининг душманлари Совет ҳокимиятининг агдарилишини сабрсизлик билан кутмоқда эдилар. Дўстларимиз ҳарбий воқеаларда бурилиш бўлишини ва социализм таянчи бўлган Советлар мамлакатининг халос қилинишини кутмоқда эдилар. Баъзи мамлакатларнинг ҳукумат доиралари ўзларини четга олиб, кутиб турдилар ва ўзларининг сиёсатларини Совет —Герман фронтидаги курашнинг натижаларига қараб қуравердилар.

Лекин урушнинг биринчи кунлари ва ҳафталаридаги муваффақиятсизликлар, душман бераётган зарбаларнинг оғирлиги совет кишиларининг жанговарлик руҳини буколмади, уларнинг ғалабага бўлган иродасини бўшаштира олмади.

Урушнинг ўша қийин даврида Ленин партиясининг, партиямиз Марказий Комитетининг илҳомбахш, ташкилотчилик ва раҳбарлик роли тўла улуғворлик билан ўзини кўрсатди. Партия Марказий Комитети ва ҳукумат душман билан кураш программасини ишлаб чиқиб ва бу программани 1941 йил 29 июндаги Директивада баён қилиб бериб, урушнинг сиёсий мақсадларини белгилаб бердилар, бу мақсадларга эришиш йўлларини кўрсатиб бердилар. Ғоят мураккаб вазиятда Коммунистик партия шу программани урушнинг дастлабки ойларидаги қийин шароитда бажариш, мамлакатнинг барча кучларини Ватанни ҳимоя қилишга сафарбар этиш йўлида жуда катта ишларни қилди. СССР Олий Совети Президиуми, ВКП(б) Марказий Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг 1941 йил 30 июндаги қарори билан И. В. Сталин бошчилигида Давлат Мудофаа Комитети тузилди.

Давлат мудофаа комитети мамлакатнинг душманга зарба беришга доир ҳамма ишларига раҳбарлик қилиб турди. Душманнинг вақтинча босқини хавфи остида қолган районлардан саноат кўчириб олиб кетилди, яъни ўзининг миқёси жиҳатидан жаҳон тарихида мисли бўлмаган жуда катта иш амалга оширилди, фронт билан мамлакат ичкариси битта жанговар лагерга айлантирилди. «Ҳамма нарса фронт учун, ҳамма нарса ғалаба учун!» шиори фашист босқинчиларига қарши курашда совет кишилари учун катъий қонун бўлиб қолди.

Совет жангчилари урушнинг дастлабки кунлариданоқ, душманга шиддатли қаршилик кўрсата бердилар. Душман зарбаларига биринчи бўлиб дуч келган совет чегарачиларининг шижоатлари абадий эсланиб қолади. Совет жангчилари Брест қалъаси ва Перемишль учун, Луцк ва Ровно, Витебск, Могилев ва Смоленск олдида қаттиқ туриб мардонавор жанг қилдилар. Ленинград ва Одесса, Киев ва Севастополь, Болтиқ бўйи ва Кавказ, Совет Заполярьесини мудофаа қилиш совет кишиларининг букилмас бардамлиги ва мардлигини кўрсатувчи намуна бўлди.

Немис-фашист қўшинларининг катта-катта кучлари шиддатли жангларда тилка-пора қилинаверди. Гитлерчи стратегларнинг карталарини чалкаштириб, уларнинг планларини ва режаларини бузиб юборган куч, абжаги чиққан гитлерчилар важ қилишга уринганларидек Совет Иттифоқининг бепоён территориясидан ва об-ҳавонинг ёмонлигидан иборат бўлмади, балки Совет Армиясининг каҳрамонларча қаршилик кўрсатганлиги, мардлиги ва матонати уларнинг планлари ва режаларини барбод қилиб ташлади.

Аммо шонли ғалабага эришиш-ден олдин совет халқи ва унинг армияси машаққатли йўлни босиб ўтишга тўғри келди. Халқнинг мислсиз шижоати қарийб тўрт йил давом этди. Нацист ғалаларини тор-мор келтирмоқ учун мамлакатимиз ўзининг барча иқтисодий, маънавий ва ҳарбий кучларини бутун жон-жаҳди билан ишга солиб курашди.

Ғалабага олиб келган мана шу узоқ йўлдан Совет Қуролли Кучларининг Москва ва Сталинград олдидаги ғоят катта жанглардаги ғалабаси, Курск олдида ва Днепрда гитлерчи қўшинлар тор-мор келтирилганлиги, 1944 йилги жуда катта ҳужум операциялари: Ленинград ва Новгород, Корсунь ва Шевченко, Белоруссия, Ясса, Кишинев олдидаги ҳужум операциялари, Молдавияни, Болтиқ бўйи республикаларини, Заполярьени озод қилиш операциялари ва бошқа кўпгина операциялар мана шу ғалабанинг тарихий босқичлари бўлди. Шу операциялар натижасида фашист босқинчилари тор-мор келтирилди ва Совет Иттифоқи территориясидан батамом хайдаб чиқарилди. Совет Армиясининг урушнинг охирги йилидаги ҳужум операциялари Европа халқларини фашистлар оккупациясидан қутқаришда ҳал қилувчи роль ўйнади.

Иккинчи жаҳон урушида фашистлар Германияси устидан қозонилган тарихий ғалаба кўпгина мамлакатлар ва халқларнинг биргаликда куч ва ғайрат сарфлаши натижасида қўлга киритилди.

Совет Армияси билан елкама-елка туриб жанг қилган Чехословак корпуси ва Поляк қўшинлари жангчиларининг хизматларини халқимиз сира унутмайди. Қардош Монголия Халқ Республикасининг бизнинг муштарак курашимизда Совет Иттифоқига бериб турган ёрдамини халқимиз жуда яхши билади. Франциялиларнинг Нармандия-Неман «қўшилмаси»-даги ботир учувчилар жангларда муваффақият билан ҳаракат қилдилар. Фашизмга қарши курашнинг барча қатнашчилари қўшган ҳиссага. Словак қўзғолони каҳрамонларига, Прага ва Варшавадаги қўзғолончиларнинг, Болгария ва Руминиядаги қўзғолончиларнинг каҳрамонларига, Югославия халқ озодлик армиясининг мард жангчиларига, Албания ва Греция партизанларига, немис халқининг шафқатсиз террор шароитида фашизмга қарши курашган энг яхши фарзандларига, маҳфий шароитда фашизмга қарши курашган венгер ватанпарварларига таҳсинлар айтамиз.

Франция, Италия, Норвегия, Дания, Бельгиядаги ва Ғарбий Европанинг фашистлар оккупация қилиб турган бошқа мамлакатларидаги Қаршилик ҳаракати катта аҳамиятга эга бўлди.

Гитлеризмга қарши коалициядаги иттифоқчиларимизнинг халқлари мазкур бошқа фронтлардан ҳар доим кадр дивизияларни ва техникани олиб шарққа жўнатиб туришга мажбур бўладилар. Бу эса ғарбдаги иттифоқчиларимизнинг аҳволини анча енгиллаштирди. Европада иккинчи фронт очилмасдан олдин ҳам, очилгандан кейин ҳам шу аҳвол давом этди.

Совет халқи ва унинг армияси ўзининг социалистик давлатини ҳимоя қилиб, социализмни сақлаб қолди, Польша, Чехословакия, Руминия, Болгария, Венгрия, Югославия ва Европанинг бошқа мамлакатларидаги халқларга миллий мустақиллик ва демократик ўзгаришлар қилиш учун олиб борган курашларида қардошларча беғараз ёрдам бериб турдилар.

Фашист вермахтининг солдати Европа халқларига йиртқич оккупациячилик режими, қаторга меҳнатини, камоқ лагери ва дорларни олиб келган бўлса, совет солдати уларни йиртқичлар оккупациясидан қутқазди, миллий ва социал озодлик келтириб, уларни бахтиёр қилди. Шунинг учун ҳам совет солдатини ҳамма жойда хурсандлик ва шоду-хуррамлик билан кутиб олавердилар.

Совет Қуролли Кучларининг ғалабаси пролетар давлатининг ҳарбий ташкилоти тўғри тузилганлигини, совет ҳарбий фанининг етуклигини, совет ҳарбий санъатининг фашистлар вермахтининг ҳарбий ташкилоти стратегияси ва тактикасига нисбатан устунлигини кўрсатувчи далил бўлди.

Душман оккупация қилиб турган территорияда бизнинг шонли партизанларимиз совет жангчилари билан бир сафда туриб қаҳрамонона кураш олиб бордилар. Душман орқасида авж олиб кетган бутун халқ кураши совет ватанпарварлигининг ёркин кўриниши бўлди, бу кураш бизнинг ғалабамизга катта ҳисса қўшди.

Фронт билан мамлакат ичкарисининг, армия билан халқнинг бирлиги социалистик давлатимиз кучи ва қудратининг жуда муҳим омили бўлди.

(Давоми учинчи бетда).

СОВЕТ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЧССРГА ҚИЛГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

(Боши биринчи бетда.)

Марказий Комитет секретари В. Биляк, ЧКП Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, ЧССР федерал ҳукумати раиси-нинг ўринбосари В. Гула, ЧКП Марказий Комитетининг аъзоси, ЧССР ташқи ишлар министри Я. Марко, ЧКП Марказий Комитетининг аъзоси, ЧКП Марказий Комитети халқаро сиёсат бўлимининг мудири П. Ауэрсперг, ЧКП Марказий Комитетининг аъзоси, ЧССРнинг СССРдаги элчиси В. Коуцкий бор эди.

Ахборотда шу нарса таъкидлаб ўтиладики, чехословак халқининг онгида, чехлар билан словакларнинг қалбида совет халқига ва унинг Коммунистик партиясига нисбатан самимий дўстлик ва ҳурмат туйғулари яшаб келаётганлигини чехословак халқи совет делегациясининг визити вақтида яна бир марта намойиш қилиб кўрсатди. Чехословакия меҳнаткашлари Чехословакияни озод қилганлиги учун, халқ хўжалигини тиклашда, социализм қурилишида жуда катта ёрдам берганлиги учун Совет Иттифоқига зўр миннатдорчилик хисларини изҳор этмоқда. ЧССР меҳнаткашлари шунга аминдирларки, Советлар мамлакати билан дўстлик ва иттифоқ, гитлерчилар фашизмига қарши курашда биргаликда қон тўкиб мустаҳкамланган бу дўстлик ва иттифоқ Чехословакия давлати озод қилингандан кейин унинг хавфсизлиги ва тинч ривожланишининг мустаҳкам гарови, шунингдек унинг иқтисодий ва сиёсий стабиллигининг муҳим омили бўлиб қолди.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар 1968 йилда қардошларча интернационал ёрдам бериб, Чехословакияда контрреволюцион тўнтариш ўтказиш йўлидаги уринишларни барбод қилганлигини Чехословакия томони юксак баҳолади.

Ҳозирги вақтда марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми негизида иккала мамлакатнинг ўртоқларча ҳамкорлигини кенгайтириш, уларнинг ғоявий ва жанговар бирлигини мустаҳкамлаш учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган.

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида янги Совет—Чехословакия шартномаси имзоланганлиги ана шу фактнинг ифодасидир. Партия-ҳукумат делегациялари бу шартноманинг аҳамиятини юксак баҳолайдилар. 1943 йилги иттифоқчилик шартномаси анъаналарини муносиб равишда давом эттирувчи янги шартнома халқаро ҳаётда кейинги чорак аср мобайнида рўй берган ўзгаришларни тўла-тўкис ҳисобга олади, дунёдаги социализм позициялари мустаҳкамланганлигини ва Совет—Чехословакия ҳамкорлигининг юксак даражасини акс эттиради. Бу шартноманинг характери социалистик давлатлар ўртасида тарқиб топган муносабатларнинг янги типига мос бўлиб тушади.

Янги шартнома иккала мамлакатнинг социалистик ҳам дўстлик бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш йўлидаги ниятилишини ифодалашини ҳамда Европадаги ҳамма давлатлар ўртасида тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлашга кўп жиҳатдан кўмаклашишини ҳар иккала делегация мамнуният билан таъкидлайдилар, дейилади ахборотда. Бу шартнома 1968 йил 3 августдаги Братислава баёнотида изҳор этилган принципларга Совет Иттифоқи билан Чехословакиянинг содиқ эканлигини тасдиқлайди, шу баёнотга биноан ҳар бир халқнинг қаҳрамонона куч-ғайратлари, фидокорона меҳнати эвазига қўлга киритилган социалистик ғалабаларни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш ҳамма социалистик мамлакатларнинг муштарак интернационал бурчидир.

Музокаралар вақтида икки томонлама партиялараро ва давлатлараро муносабатлар масалалари юзасидан, шунингдек иккала томонни қизиқтирувчи жуда кўп халқаро проблемалар юзасидан батафсил фикрлашиб олинди.

Томонлар шуни таъкидлайдиларки, дейилади сўнгра ахборотда, Чехословакия партия давлат делегациясининг 1969 йил октябрида Совет Иттифоқига визит қилган вақтидан бери СССР билан ЧССР ўртасидаги муносабатлар тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланди. Совет Иттифоқи билан Чехословакиянинг сиёсий, савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлиги муваффақиятли ривожланиб бормоқда, бу эса иккала мамлакат халқларининг туб манфаатларига мос келади, тинчлик ва социализм ишига хизмат қилади. Совет Иттифоқи билан Чехословакия Варшава Шартномаси ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга муҳим аҳамият берадилар.

Музокаралар вақтида ташқи сиёсат масалаларига катта эътибор берилди. СССР билан ЧССР ўзларининг ташқи сиёсатида социалистик ҳамдўстлик ҳозирги замоннинг ҳал қилувчи революцион кучи эканлиги тўғрисидаги шак-шубҳасиз фактга асосланиб, социалистик мамлакатлар бирлигини таъминлашга биринчи даражали аҳамият бераётганликларини ҳар иккала томон якдиллик билан таъкидлади. Социалистик мамлакатларнинг биргаликда қиладиган ҳаракатлари халқаро коммунистик ҳаракат ва барча антиимпериалистик кучлар жипслигининг муҳим омилидир.

Европа давлатлари кенгашини чақириш тўғрисида тезроқ бир битимга эришиш мақсадида актив иш олиб боришни давом эттиришга аҳд қилинганлиги яна бир карра таъкидланди.

Европадаги сиёсий вазият шу қитъада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш юзасидан самарали чораларни амалга ошириш учун етилиб турганлигига Совет Иттифоқи билан Чехословакия ғоят аминдирлар.

Яқин Шарқ районидаги вазият Исроилнинг агрессив милитаристик доиралари айби билан мушкул ва хатарли бўлиб қолаётганлигини ҳар иккала томон ҳавотирлик билан кузатиб турибди. Шу сабабли улар араб давлатларининг Исроил агрессияси оқибатларини тугатиш учун ва аввало Исроил қўшинларини араблардан оккупация қилиб олинган территориялардан чиқариб юбориш учун олиб бораётган адолатли курашида уларга бундан буён ҳам қўллаб-қувватлашга бел боғлаганликларини яна бир марта таъкидладилар. Хавфсизлик Кенгашининг 1967 йил 22 ноябрь резолюциясидаги ҳамма моддаларни бажариш Яқин Шарқда тинчлик ўрнатишнинг энг тўғри йўлидир.

Делегациялар Шарқи-Жанубий Осиёдаги воқеаларни муҳокама қилиб, АҚШ империалистлари айниқса Ҳинди-Хитой районидаги кескинликни кучайтиришга ва вазиятни чигаллаштиришга қаратилган тобора янги-янги ҳаракатларини қилаётганликларини таъкидладилар. Томонлар АҚШнинг Вьетнам халқига қарши қилаётган агрессив харакатларини, Америка самолётлари ВДРнинг аҳоли яшайдиган районларини вахшиёна бомбардимон қилаётганлигини, Американинг ҳарбий йўл билан Камбоджага бостириб кирганлигини, Лаос ишларига қуролли аралашувни кенгайтираётганлигини кескин қоралайдилар. Улар пролетар интернационализми руҳида ҳаракат қилиб, қаҳрамон Вьетнам халқининг, Ҳинди-Хитойдаги ҳамма халқларнинг озодлик ва мустақиллик йўлидаги курашида уларга бундан буён ҳам ҳар томонлама мадад бераверадилар.

Бутун дунёда В. И. Ленин туғилган куннинг 100 йиллик байрами халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати бирлигини янада мустаҳкамлаш белгиси остида ўтганлигини ва марксизм-ленинизм ғояларининг ижтимоий тараққиёт жараёнларига таъсири кучайиб бораётганлигини, бу ғояларнинг улуғ ўзгартирувчилик кучини намойиш қилганлигини томонлар зўр мамнуният билан таъкидладилар, дейилади ахборотда. Коммунистик ва ишчи партияларнинг ўтган йил июнида бўлиб ўтган Кенгашида таъкидланганидек Ленин таълимотига садоқат қардош партиялардан ревизионизм ва оппортунизмнинг ҳамма кўринишларига қарши тинимсиз кураш олиб боришни, умумий душман — империализмга қарши, муштарак синфий манфаатлар ва мақсадлар учун курашда коммунистик ҳаракатнинг ғоявий ва жанговар бирлигига интилишни талаб қилади.

Музокаралар сидқидиллик, қардошларча дўстлик ва бирдамлик вазнятида ўтди ҳамда муҳокама қилинган ҳамма масалалар юзасидан иккала томоннинг тамомила якдил ва ҳамфикр эканликларини тасдиқлади. Ҳар иккала томоннинг фикрича, СССР партия-ҳукумат делегациясининг қардош Чехословакияга қилган визити совет ва чехословак халқлари ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш ишига қўшилган янги муҳим ҳиссадир.

СОВЕТ ХАЛҚИНИНГ ТАРИХИЙ ЗАФАРИ

(Боши 1 ва 2- бетларда)

Уруш йилларида қаҳрамон совет ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонларимиз, зиёлиларимиз Совет Армиясини қуролли курашни муваффақиятли олиб бориши учун зарур бўлган ҳамма нарсалар билан таъминлаб турдилар. Улар ғалабани қўлга киритмоқ учун тинмай меҳнат қилдилар. Келажак авлодлар уларнинг меҳнатдаги буюк шижоатини асло унутмайди! Эркаклар билан бир сафда туриб уруш фронтларида жанг қилган, чарчаш нималигини билмай фабрика ва заводларда, колхоз ва совхоз далаларида ишлаган, уруш даврининг ҳамма машаққатларига зўр матонат билан бардош берган хотин-қизларимизни шарафлаймиз.

Ўз оталари билан бирга душманга дадил ҳужумлар қилган, партизан отрядларида жанг қилган, Кингсберг ва Берлинга штурм қилган уруш йилларидаги ёшларимиз, йигит ва қизларимиз билан фахрланамиз.

Ғоявий эътиқоди мустаҳкам бўлган, уюшган ва жипслашган, ғайрати юксак ва олижаноб мақсадларга эришиш томон йўлланган халқ оммасида нақадар битмас-туганмас кучлар мавжуд эканлигини бизнинг ғалабамиз яна бир марта яққол кўрсатди.

Мамлакатга ва қуролли курашга раҳбарлик қилишнинг Коммунистик партия Марказий Комитети вужудга келтирган системаси замон талабларига тўла мос бўлиб тушганлигини уруш тажрибаси исботлаб берди. Социалистик ғалабаларни ҳимоя қилиш тўғрисида Ленин берган йўл-йўриқлар мана шу раҳбарлик системасида ўз ифодасини топди.

Коммунистик партия Улуғ Ватан урушида совет халқи ва Совет Қуролли Кучлари курашининг раҳбари, шу урушдаги ғалабамизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлди. Ҳақли равишда Коммунистик партияга жанг қилаётган партия деб ном беришди. «Коммунистлар, олға!» деган оташин даъват уруш йилларида партия ҳаёти ва фаолиятининг қонуни бўлди. Партия ўзининг энг яхши, энг тажрибали ва синалган кадрларини фронтга юборди. Урушнинг охирги пайтларида партия составининг 60 процентга яқини ҳаракатдаги армияда эди. Уч миллион коммунист ботирларча ҳалок бўлди. Партия Ватан тақдири учун ва социализм тақдири учун бутун масъулиятни тўла равишда ўз устига олиб, ҳарбий қурилишнинг ва фронтдаги жанг ҳаракатларини ташкил этишнинг энг мураккаб вазифаларини муваффақиятли равишда ҳал қилиб турди. Партия жуда кўп талантли саркардаларни тарбиялаб етиштирди, улар қўшинларга етакчилик қилиш ва жанг операцияларини олиб бориш санъатини моҳирлик билан эгаллаб олдилар.

Партия сафларининг тош метиндек бирлиги, партиянинг жуда зўр уюшқоқлиги ва темир интизоми, Марказий Комитет теварагида маҳкам жипслашганлиги душманни тор-мор келтириш ишида партиямиз эришган ютуқларнинг негизи бўлди. Душманга зарба беришга доир энг муҳим тадбирларнинг ҳаммаси Марказий Комитет раҳбарлигида ишлаб чиқилиб амалга оширилаверди.

Фашистлар Германияси устидан қозонган ғалабамиз социализмнинг улуғ ҳаётий кучини жаҳонга аён қилди ва инсониятга тарихий тараққиётнинг кенг истиқболини очиб берди. Бу ғалаба Совет Иттифоқининг халқаро обрўйини баланд кўтарди. Биз бунга Ленин Коммунистик партияси, унинг Марказий Комитети туфайли эришдик.

III. Уруш сабоқлари ва ҳозирги давр

Ўртоқлар!

Уруш тамом бўлгандан бери орадан йигирма беш йил ўтди. Эндиликда Европанинг ва бутун планетанинг сиёсий харитаси бошқача бўлиб қолди. Инсоният олдида янги катта проблемалар пайдо бўлди. Бироқ, уруш якунлари ва аввало социалистик давлатнинг империализмнинг зарбдор кучлари устидан қозонган ғалабаси барча социал жараёнларга, бутун халқаро ҳаётга жуда катта таъсир ўтказиб турибди. Уруш оқибатларининг таъсири иқтисодий, идеологик, сиёсий ва дипломатик соҳаларда, тараққиёт ва реакция кучларининг, социализм кучлари билан империализм кучларининг ҳозирги вақтдаги бир-бирига қарши бўлаётган кескин курашининг ҳамма соҳаларида сезилиб турибди.

Энди орадан анча вақт ўтганидан кейин биз иккинчи жаҳон уруши келиб чиқишининг сабабларини, бу урушнинг характерини, сабоқларини ва оқибатларини беғараз ва сергаклик билан текшириб аниқлаб олишимиз учун тўла имконият бор. Лекин масалага бундай ёндошиш империализм реакцион доираларининг агрессив сиёсий йўлига жуда ва жуда мос келмаяпти. Буржуа идеологлари тарихни ўзгартирмоқ ва уни бузиб кўрсатмоқ учун зўр бериб кучанмоқдалар. Улар уруш воқеаларини қийшиқ ойнада кўрсатиб, фашизмни оқлашга, унинг жирканч башарасини силлиқ қилиб кўрсатишга интилмоқдалар. Шу билан бир вақтда бизнинг идеология соҳасидаги мухолифларимиз совет халқига, Совет Қуролли Кучларига, Совет ҳукумати ва партиянинг ҳам урушдан олдинги даврдаги, ҳам уруш йилларидаги сиёсати ва фаолиятига тинимсиз туҳмат қилмоқдалар.

Реакцион буржуа фанининг, ҳозирги вақтдаги антикоммунизм ва реваншизм идеологларининг асосий мақсади шуки, улар жамоатчилик орасида совет халқи ва унинг армияси тўғрисида нотўғри фикр туғдирмоқчилар, СССР-нинг иккинчи жаҳон урушидаги ҳал қилувчи ролини инкор қилмоқчилар.

Уларнинг бу уринишлари беҳуда. Сохтагарлар инсониятнинг хотирасидан халқимизнинг буюк шижоатини ситиб чиқара олмайдилар. Совет Иттифоқининг жуда катта обрўйига путур етказа олмайдилар, социализмнинг жозибали кучини бўшаштира олмайдилар.

Уруш якунлари ҳар қандай агрессорни огоҳлантирувчи даҳшатли куч бўлиб қолди ва қолаверади. Бу якунлар Владимир Ильич Лениннинг башорат бериб, бизнинг социалистик Советлар Республикамиз душман кучларининг барча ҳужумларига бардош беради ва халқаро социализмнинг машъали бўлиб барча меҳнаткашлар оммаси олдида ўрнак бўлиб маҳкам тураверади, деган сўзларини яққол исботлаб берди.

Лениннинг «...бизнинг ишимиз мустаҳкам, Россияга ҳужум қилишга ҳар қандай уринишлар бўлиши мумкин ва Россияга қарши ҳар қандай ҳарбий юришлар қилиниши мумкин, бундай уринишлар ҳали, эҳтимол, бир марта бўлмаса керак, лекин биз ўз тажрибамиз билан чиниқиб олдик, шунинг учун ҳам ҳақиқий тажрибамизга асосланиб, бу уринишларнинг ҳаммаси барбод бўлиб кетишини биламиз. Душманларимизнинг ҳар бир уринишидан кейин биз ундан илгаригига қараганда янада кучлироқ бўлиб чиқамиз». (Асарлар, 31-том, 341-бет) деб башорат билан айтган сўзлари рўёбга чиқди.

Ҳақиқатан ҳам Ленин башорат бериб айтганидек, социализмни ҳарбий йўл билан емириб ташлаш учун қилинган навбатдаги уриниш мана шу уриниш илҳомчилари ва ташкилотчиларининг ўзларини яксон қилди. Фашистлар блоки давлатларининг тормор келтирилганлиги умуман бутун империализмни заифлаштириб қўйди. Ҳозирги вақтда Европа, Осиё ва Латин Америкаси мамлакатларини ўз ичига олган жаҳон социалистик системаси вужудга келганлиги социализмнинг халқаро позициясини мустаҳкамлади, жаҳон воқеаларининг боришига социализм ўтказаётган таъсирни тағин ҳам кўпроқ кучайтирди. Социализмнинг битмас-туганмас имкониятлари ва ҳал қилувчи афзалликлари социалистик мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий ва илмий муваффақиятларида, уларнинг мудофаа қобилияти тўхтовсиз мустаҳкамланиб борганлигида ўзини янги зўр куч билан очиқ кўрсатди.

Империалистлар Совет давлатини ер билан яксон бўлади ёки, ҳеч бўлмаса, заифланиб қолади, деб ўйлаган эдилар. Аммо Совет давлати қирғин уруш етказган жароҳатларни жуда қисқа муддат ичида тузатиб олди, ўзининг иқтисодий тараққиётида ҳақиқатан олға томон ғоят катта қадам қўйди. Ўтган 1969 йилда урушдан олдинги 1940 йилдагига нисбатан бизнинг мамлакатимизда пўлат эритиш 6 баравар, нефть қазиб чиқариш 11 баравар, электр энергия ҳосил қилиш 14 баравар, асбоблар, автоматлаштириш воситалари ишлаб чиқариш 100 баравардан кўпроқ кўпайди. Мамлакат қишлоқ хўжалик маҳсулотини икки баравар кўп олди.

Ҳозирги беш йиллик муваффақиятли бажарилмоқда. Тўрт йилнинг якунлари совет халқи қилган катта ишлар натижасида КПСС XXIII съездининг энг муҳим иқтисодий, сиёсий ва социал кўрсаткичлар бўйича Директивалари бажарилаётганлигини кўрсатиб турибди.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жуда кенг кўламда ривожланиб бораётганлиги билан бир қаторда, у сифат жиҳатдан янги ҳолатга ўтганлиги ҳам ҳозирги кунда совет экономикасининг характерли белгиси бўлиб турибди. Эндиликда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш ва бутун халқ хўжалигининг илмий-техникавий даражасини ошириш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Халқнинг бунёдкорлик вазифалари нақадар мураккаб ва катта бўлса, Коммунистик партия совет кишиларини марксча-ленинча чиниқтиришга шу қадар кўпроқ эътибор беради. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг сиёсати коммунизм қурувчиларнинг барча отрядларини янада жипслаштиришга, уларнинг қардошларча бирлигини мустаҳкамлашга қаратилмоқда. Совет давлати тараққиётининг ҳозирги босқичида ишчилар синфи билан деҳқонларнинг уруш йилларида қаттиқ синовдан ўтган иттифоқи, СССР халқларининг дўстлиги, янги, тағин ҳам юқори босқичга кўтарилди.

Ўтган чорак аср ичида Совет Иттифоқининг иқтисодий ва сиёсий қудрати кўп марталаб ошди. Шунга яраша унинг ҳарбий қуввати ҳам кўпайди. Коммунизм қуриш ва уни ҳимоя қилиш соҳасида ҳозирги кунда қаҳрамон халқимиз уддалай олмайдиган ҳеч бир вазифа ва иш йўқ.

Жаҳондаги энг илғор марксизм-ленинизм идеологиясининг соҳиби бўлган, ижтимоий тараққиётнинг прогрессив йўлини урушнинг оғир йилларида қаттиқ туриб сақлаб қолган совет халқи урушдан кейинги даврда ҳам одамларнинг ақлини ва кўнглини ром қилиш йўлида бутун жаҳон миқёсида олиб борилаётган жангда социализм янги ғалабалар қозониши учун, давримизнинг барча қудратли революцион кучлари ўсиб, тарихий ҳужумни давом эттириши учун мумкин бўлган ҳамма чораларни кўрди.

Эндиликда тарихий ташаббусни империализм эмас, балки социализм ўз қўлида ушлаб турибди. Социализмнинг ўзи тарихий ҳужум қилиб бормоқда. Инсоният тараққиётининг катта кенг йўлини эндиликда жаҳон социалистик системаси, халқаро ишчилар синфи, барча революцион кучлар белгилаб бермоқда, дейилади коммунистик ва ишчи партиялар Москвадаги халқаро Кенгашининг хулосаларидан бирида. Лекин бу хулосадан империализм ўзига етказилган оғир мағлубиятларга кўникиб қолди ёки кўникиб индамай турмоқчи деган хулосалар чиқмайди, албатта. Империализмнинг энг агрессив отрядлари тарихнинг қаттиқ сабоқлари билан ҳисоблашишни истамаётирлар ва ҳануз иккинчи жаҳон урушини, у билан бирга эса, XX асрдаги бошқа ҳамма тарихий жангларни «қайта такрорлашга» умид боғламоқдалар. Империализмнинг реакцион доиралари, аввало Америка империализми урушга зўр бериб тайёргарлик кўришни авж олдириб юборди, сиёсий ва ҳарбий авантюралар йўлига тушиб олиб, ўз агрессив стратегиясининг тиғини Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши қаратмоқда.

Америка империализмининг ўзи халқаро реакциянинг, агрессия ва урушнинг асосий таянчи бўлиб турибди. У ўз ракета-ядро қуролининг жуда кўп запасларини тўплади, ўз мамлакатини капиталистик дунёнинг асосий ҳарбий базасига айлантирди. АҚШнинг империалистик доиралари Вьетнам халқига қарши агрессив уруш олиб бормоқдалар, революцион Кубага қарши қуролли интервенция қилишга уриниб кўрдилар, Исроилнинг араб давлатларига қарши агрессиясини актив равишда қўллаб-қувватламоқдалар, жуда кўп ҳарбий игвогарликлар ва халқ манфаатига зид бўлган реакцион тўнтаришлар қилмоқдалар. Ҳозирги вақтда АҚШ уруш ҳаракатларини Лаос территориясига ўтказди, ўзининг агрессив қўшинлари билан Камбоджага бостириб кирди ва унинг бетарафлигини сурбетлик билан бузди, Вьетнам Демократик Республикасини яна ваҳшиёна бомбардимон қила бошлади. Халқларнинг эркинлиги ва мустақиллигига ҳамла қилиш жазосиз қолиб кетадиган вақтлар аллақачон ўтиб кетди, буни империалист агрессорлар энди тушуниб олишлари керак.

Европа қитъасидаги вазият ҳали ҳам кескин ва беқарор бўлиб турибди. Халқаро кескинликни юмшатишга қарши Европадаги мавжуд чегараларни қайтадан кўриб чиқишни талаб этувчи реваншчилик даъватлари Ғарбий Германияда тез-тез эшитилиб турибди. Германия Федератив Республикасининг ташқи сиёсатини белгилаб бераётган доиралар ҳозирги кунда жаҳонда рўй бераётган ўзгаришлар билан ҳисоблашишга, Европадаги мавжуд реал аҳвол асосида социалистик давлатлар билан муносабатларни нормаллаштириш зарурлигини Ғарбий Германия аҳолисининг анча кенг табақалари орасида тушунувчилар кўпайиб бораётганлиги билан ҳисоблашишга тобора кўпроқ мажбур бўлмоқдалар. Бироқ, Ғарбий Германия давлатининг сиёсати ўтмиш сарқитларидан, тинчлик ва Европа халқлари хавфсизлиги манфаатларига душман бўлган догмалар ва концепциялардан ҳали ҳам унчалик тозалангани йўқ. Германия Федератив Республикасининг ҳукмрон доиралари реал аҳволни қанчалик тан олишга, ўз сиёсатларини шу асосда қуришга қанчалик қодир эканликларини келажак кўрсатади. Совет кишилари шунга ғоят аминдирларки, Германия Федератив Республикасининг, бу республика халқининг келажаги янги ҳарбий авантюралар билан белгиланмайди, балки бошқа халқлар ва давлатлар билан, шу жумладан Совет Иттифоқи билан ҳам ҳамкорлик қилиб тинчликда яшаш уларнинг келажагини белгилаб беради.

Империалист кучларнинг ҳеч қандай комбинацияси ҳозирги кунда социалистик дунёга қарши агрессив урушнинг муваффақиятини таъминлаб бера олмайди. Модомики фашистлар Германияси ва унинг иттифоқчилари бундан чорак аср муқаддам совет мамлакати билан беллашиб унинг уддасидан чиқа олмаган экан, социализмга қарши агрессия қилиш ҳозирги замон империализми учун тағин ҳам натижасиз ва хатарли иш бўлиб қолиши мутлақо равшан ва очиқ кўриниб турибди.

Ўтган уруш даврида шу қадар тўла намоён бўлган ва урушдан кейинги йилларда тағин ҳам кўпайиб кетган социализм имкониятларини империалистлар ҳисобга олмаётирлар, деб айтиб бўлмайди. Улар социализм системаси билан бевосита тўқнашув, хусусан ракета-ядро урушида тўқнашув капиталистик система учун ҳалокатли оқибатлар келтириб чиқариши мумкин эканлигини тобора тан олишга мажбур бўлмоқдалар. Америка Қўшма Штатларининг «эпчиллик билан эътибор бериш стратегияси» деб аталмиш стратегияни эълон қилиши ва буни Шимолий Атлантик блокининг стратегик йўли билан расмий суратда эътироф этиши шу билан боғланган. Эндиликда социализмга қарши курашда империалистик давлатлар қўпорувчилик ишларига алоҳида аҳамият бермоқдалар. Улар сиёсий ва идеологик диверсиялар ёрдамида жаҳон кучларининг нисбатини ўз фойдаларига ўзгартиришга интилмоқдалар.

Халқаро империализм ўзи илгари кўтариб чиққан мақсадларни ҳозир ҳам кўзламоқда. У ўзининг моҳиятини заррача ўзгартиргани йўқ, халқаро кескинлик ва уруш хавфининг доимий манбаи бўлиб қолмоқда.

Учинчи жаҳон уруши инсониятни мисли кўрилмаган оғир синовларни бошдан кечиришга мажбур этган бўлур эди, учинчи жаҳон уруши оқибатида империализмнинг жаҳон системаси сифатида емирилиши турган гап. Бунга бизнинг ишончимиз комил. Бу ишонч социализм билан империализм ўртасидаги кучларнинг нисбатини аниқ ҳисобга олишга асосланган. Икки марта бўлиб ўтган жаҳон урушининг сабоқлари бу ишончимизнинг тўғрилигини исботлаб берди. Шу жаҳон урушларининг ҳар бирида халқ оммасининг одамлар қонини дарё-дарё қилиб оқизган социал сиёсий тузумни таг-томири билан емириб ташлашга бўлган интилиши кучая берди ва рўёбга чиқди.

Шу билан бирга янги уруш социализмнинг жаҳон миқёсида ғалаба қозониши учун асло зарур шарт эмас. Энг инсонпарвар ижтимоий тузум бўлган социализм ўз идеалларини ёйиш учун урушга муҳтож эмас. Бу тузумнинг тантана қилишини қурол кучи эмас, балки ижтимоий тарихий ривожланишнинг объектив қонунлари белгилаб қўйган. Шу сабабли социализм учун кураш халқларнинг тинчлик ва хавфсизлик учун кураши билан қўшилиб кетмоқда. Бундан чорак аср муқаддам жуда катта қурбонлар бериб қўлга киритилган тинчликни мустаҳкамлаш, социализм учун, келажак авлодларнинг бахт-саодати учун ўз жонини фидо қилган Ватанимизнинг миллион-миллион ўғил ва қизларини, фашизмга қарши курашда ҳалок бўлган барча кишиларни эслатиб турувчи муносиб ёдгорлик бўлур эди.

Биз бунга аминмиз. Тинчликсевар кучлар иккинчи жаҳон уруши арафасида агрессия йўлига ғов сололмаган эканлар, эндиликда социализм мамлакатлари, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати, миллий озодлик кучлари, тинчлик ва хавфсизликнинг мустаҳкамланишидан манфаатдор бўлган барча давлатлар ўзларининг куч ва ғайратларини бирлаштириб, агрессия йўлига ғов солишлари мумкин.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар изчиллик билан ўтказиб келаётган тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик ленинча сиёсати уруш хавфига қарши курашга жуда катта бебаҳо ҳисса қўшмоқда. Улар ҳамма қитъаларда ва аввало Европада, биринчи жаҳон урушининг ҳам, иккинчи жаҳон урушининг ҳам асосий воқеалари рўй берган ана шу қитъада сиёсий иқлимни яхшилаш тўғрисида астойдил ғамхўрлик қилиб, ўзларининг ташқи сиёсатларини шу асосда олиб бормоқдалар. Бу ташқи сиёсат стратегия қуроллари ва бошқа ҳамма турдаги қуроллар билан қуролланиш пойгасини тўхтатишга, коллектив хавфсизликнинг мустаҳкам системасини вужудга келтиришга, Шарқи-Жанубий Осиёда ва Яқин Шарқда империалист давлатларнинг айби билан пайдо бўлаётган уруш манбаларини сира кечиктирмай тугатишга қаратилган сиёсатдир.

Социализм мамлакатлари тинч-тотув яшаш принципларига амал қилиб, капиталистик давлатлар билан бирон-бир конкрет битим тузилишининг мақсадга мувофиқ эканлигига, ҳал этилмаган проблемаларни дипломатик йўл билан бартараф қилиш мумкин ва лозим эканлигига шубҳаланмайдилар. Иккинчи жаҳон урушида турли социал тузумдаги мамлакатлар, муайян қийинчиликларга қарамай, гитлерчиларга қарши коалиция даврида самарали ҳамкорликни йўлга қўйдиларки, бу ибратли тажриба ҳозир ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Социалистик давлатларга ҳам, капиталистик давлатларга ҳам, умуман бутун дунёга тааллуқли бўлган бир қанча масалаларни ҳал этишда бу тажрибадан фойдаланиш мумкин.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида кенг халқ оммасининг Совет Иттифоқи адолатли курашини қатъият билан қўллаб-қувватлаганлиги гитлерчиларга қарши коалицияга кирган ғарб давлатлари ҳукмрон доираларининг сиёсатига катта таъсир ўтказди. Эндиликда халқ оммаси социализмнинг қудратига таяниб, уруш ва тинчлик масалаларини ҳал этишга ҳам худди шу тарзда катта таъсир ўтказишлари мумкин. Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгашининг қуйидаги даъвати ҳаракатга чорловчи шиор бўлиб янграмоқда: «Социалистик мамлакатларнинг халқлари, капитал мамлакатларидаги пролетарлар, барча демократик кучлар, озодликка чиққан ва мазлум халқлар, империализмга қарши, тинчлик, миллий мустақиллик, социал тараққиёт, демократия ва социализм учун умумий курашда бирлашингиз!»

Биз социализм ва тараққиёт кучларини яхши билган ҳолда ҳозирги замон империализми ихтиёридаги имкониятларни менсимаслигимиз мумкин эмас. Империализмга қарши «курашиш керак, — деб таълим берган эди Ленин. — Унга қарши кураша билиш керак». Ленин бизга жаҳон социалистик революциясига «ёрдам бериш керак. Унга ёрдам бера билиш керак» деб васият қилган эди. (Асарлар тўла тўплами, 35-том, 396-бет).

Совет Иттифоқи, социалистик мамлакатларнинг, Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатларнинг ҳарбий қудрати энг муҳим халқаро омилдир. Улар империализмнинг агрессив интилишларини жиловлаб қўйишга қодирдирлар.

Ҳозирги вазият СССР халқларидан ва Совет Қуролли Кучларидан, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ва қардош армиялардан империалистик ва бошқа милитаристик кучларнинг агрессив кирдикорларига нисбатан ғоят хушёр бўлиб туришни, социализмни фидокорона ҳимоя қилишга доимо тайёр бўлиб туришни талаб қилади. Биз иккинчи жаҳон уруши арафасидаги тарихни яхши биламиз ва кейинги вақтларда Шарқи-Жанубий Осиёда Америка агрессияси миқёсининг кенгайтириб юборилганлиги, Яқин Шарқда жанговар ҳаракатлар бошланганлиги ва аслида ўт очишни тўхтатишдан эълон қилинмаган урушга ўтилганлиги, социалистик дунёнинг ғарбий чегараларида Шимолий Атлантика блоки кучларининг активлашганлиги сингари хатарли воқеаларга; империализмнинг агрессивлиги кучайганлигидан далолат берувчи бошқа ҳамма фактларга эътиборимизни бир дақиқа ҳам бўшаштиришимиз мумкин эмас.

Узоқ Шарқдаги ҳарбий-сиёсий вазиятнинг ўзгарганлигидан жуда жиддий хулосалар чиқариб олиш вазифасини ҳам Ватан, халқаро социализм манфаатлари бизнинг зиммамизга юклайди. Ҳам ғарбдаги, ҳам шарқдаги мудофаамиз мустаҳкам ва бузилмас бўлиши учун биз зарур чораларнинг ҳаммасини кўриб келдик ва бундан буён ҳам кўраверамиз.

Қуролли Кучларни, мамлакат мудофаасини ҳар томонлама мустаҳкамлашни тарих ва ҳозирги кунларнинг тажрибаси тақозо этмоқда. Шу сабабли Коммунистик партия, Совет ҳукумати бу вазифани ҳаётий муҳим бўлган биринчи даражали вазифа деб билмоқдалар. «Бизнинг мудофаамиз ҳамиша қудратли ва ишончли бўлсин деб, шонли Совет Иттифоқи Қуролли Кучлари мамлакатимиз мудофаасини пухта таъминлаш учун, қардошларимиз ва иттифоқчиларимиз бўлган социалистик давлатлар билан биргаликда улуғ социалистик ҳамдўстлик манфаатларини маҳкам туриб ҳимоя қилмоқ учун зарур бўлган нарсаларнинг ҳаммасига эга бўлсин деб, партия Марказий Комитети билан мамлакатимиз ҳукумати ҳамма чораларни кўрмоқдалар», — деди Леонид Ильич Брежнев. («Правда», 1969 йил 26 ноябрь).

Партия Қуролли Кучларимиз ривожини бизнинг иккинчи жаҳон уруши даврида капиталистик дунёдаги энг қудратли немис-фашист армияси устидан қозонган ғалабамиз яққол ва ишончли қилиб исботлаган тўғри йўлдан комил ишонч билан бошлаб бормоқда. Социалистик жамият иқтисодий ва маънавий қудратининг ҳар бир янги босқичи айни вақтда ҳарбий ташкилотимизни такомиллаштиришдаги янги босқич ҳам бўлиб қолмоқда.

Гуркираб ривожланаётган фан-техника революцияси олимларимиз, инженерларимиз, конструкторларимиз ва ишчиларимиз олдига ҳозирги замон талабларига мос бўлиб тушадиган ва фан-техника тараққиётининг олий муваффақиятлари даражасида бўлган қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан армия ва флотни таъминлаш вазифасини қўйди. Бу ҳаётий муҳим ва беқиёс мураккаб вазифа КПСС раҳбарлигида муваффақиятли ҳал этилди.

Фан ва техника жадал тараққиётининг натижалари бундан буён ҳам дарҳол ҳарбий қурилишда қўлланилиши, қўшинларнинг жанговар практикасига жорий этилиши учун зарур бўлган нарсаларнинг ҳаммасига эгамиз. Совет халқининг энг янги жанговар техникани яратишга сарфлаган меҳнати ҳамиша совет жангчиларининг меҳнати билан бир бутун бўлиб қўшилиб кетишига халқимиз амин бўлиши мумкин. Уларнинг қўлидаги замонавий даҳшатли қурол, зарур бўлиб қолган тақдирда, бенуқсон ишлаб ўзининг бутун қудратини намойиш қилади.

Армия ва флот жангчилари, солдатларимиз ва матросларимиз, сержантларимиз ва старшиналаримиз, офицерларимиз, генералларимиз ва адмиралларимиз ўз ишининг чинакам усталари, юксак маданиятли ҳамда умумий ва ҳарбий билимларни чуқур ўзлаштирган кишилардир. Юксак сиёсий эътиқод, ўз социалистик Ватанига оташин меҳр-муҳаббат, пролетар интернационализми, улуғ мақсад йўлида ҳар қандай, энг оғир синовларни ҳам шараф билан бартараф этишга тайёр бўлиб туриш ҳозирги совет жангчисининг маънавий қиёфасига хос фазилатлардир.

Офицер кадрларимиз Қуролли Кучларнинг, бутун халқнинг ифтихоридир. Улар орасида Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган улуғ жангларнинг қатнашчилари ҳам бор, уларнинг орасида урушдан кейинги даврда командирлик ва сиёсий иш, инженер-техник хизматининг катта сабоғини олган кишилар ҳам бор, улар орасида ҳали жуда ёш бўлса ҳам, лекин шахсий составнинг тажрибали ташкилотчилари ва тарбиячилари бўлиб етишган кишилар ҳам бор. Эндиликда ёшларимизга таълим ва тарбия беришдек масъулиятли иш ишониб топширилган офицерлар энг яхши командирлар ва сиёсий ходимларнинг Улуғ Ватан уруши йилларида тўплаган жанговар тажрибасидаги ҳамма қимматли сабоқларни ўзларига сингдириб олганлар. Улар ҳам қўшинларга муваффақиятли раҳбарлик қилишга қодир бўлган кишилардир, лекин улар бу ишни янги, анча юксак ташкилий ва техникавий асосда, илғор совет ҳарбий фанининг кейинги муваффақиятларига тўла мувофиқ равишда адо этадилар. «Двина» умумқўшин машқлари ва яқинда ўтказилган «Океан» машқлари бунинг янги ёрқин далили бўла олади. Бу машқлар совет жангчиларининг партия Марказий Комитети, Совет ҳукумати ва халқ олдидаги Лениннинг 100 йиллик юбилейи ва Улуғ Ватан урушидаги ғалабамизнинг 25 йиллиги шарафига берган жанговар ҳисоботидир.

СССР Қуролли Кучлари совет халқининг ҳамма энг яхши ва қаҳрамонона фазилатларини ўзларига сингдириб олганлар, улар совет халқи билан чамбарчас боғланганлар. Социалистик Ватанни ҳимоя қилиш, совет Қуролли Кучлари қудратини мустаҳкамлаш — ҳар бир совет кишисининг муқаддас бурчи, мўътабар вазифасидир. Совет кишилари, ёшларимиз, ўтган уруш йилларида социалистик Ватан шон-шарафи ва озодлигини маҳорат билан фидокорона ҳимоя қилган, душманга қарши шиддатли жангларда улуғ ғалабамизни қўлга киритган кишиларнинг ўғиллари ва набиралари худди шу руҳда, ўзининг граждалик масъулиятини, синфий душманларимизга нисбатан муросасизлигини жуда яхши англаш, Ватан ҳимоячилари сафларига ўтишга доимо шай бўлиб туриш руҳида тарбияланмоқдалар.

Қуролли Кучларимиз ўзининг қудрати беқиёс ўсганлиги учун Коммунистик партиядан тўла-тўкис ва батамом миннатдордирлар. Коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтиришда, социалистик давлатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда совет халқи эришган улкан ва улуғвор муваффақиятлар Коммунистик партия, унинг Марказий Комитети олиб борган чинакам буюк раҳбарлик ва ташкилотчилик фаолияти туфайли қўлга киритилди. Ижтимоий тараққиёт қонунларини ҳисобга олган ва В. И. Лениннинг битмас-туганмас ҳарбий-назарий меросига таянган партия ҳарбий қурилишнинг мураккаб вазифаларини муваффақиятли ҳал этмоқда. Партия совет халқини, армия ва флот жангчиларини буржуа идеологиясига муросасиз бўлиш руҳида тарбияламоқда, уларни ғоявий жиҳатдан тинимсиз чиниқтириб бормоқда, маънавий руҳни, интизом ва уюшқоқликни муттасил мустаҳкамламоқда. Партиянинг раҳбарлиги, халқ билан бирлик Қуролли Кучлар енгилмаслигининг асосий манбаи, улар олдида турган масъулиятли вазифаларни муваффақиятли ҳал этишнинг энг ишончли гарови бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Совет Қуролли Кучлари Варшава Шартномасидаги мамлакатлар ва бошқа социалистик давлатларнинг дўстона армиялари билан биргаликда социализм, тинчлик ва халқлар хавфсизлигининг мустаҳкам таянчи бўлиб турибди. Уларнинг ўз юксак ватанпарварлик ва интернационал бурчига садоқати ўзгармасдир. Улар Ватан амрини бажо келтириб социалистик давлатимиз душманларига қарши кескин кураш бошлашга ҳамиша тайёрдирлар.

Ўртоқлар!

Урушнинг машаққатли йиллари биздан тобора узоқлашиб бормоқда. Лекин совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари кўрсатган жанговар ва меҳнат шижоати инсоният хотирасидан ҳеч қачон ўчмайди. Қуёш ер узра абадий нур сочиб турганидек Улуғ Ватан урушидаги ғалабамиз ҳам жаҳон тарихида абадий яшайверади.

Кўп миллатли Советлар мамлакатининг меҳнаткашлари ғалабанинг 25 йиллигини сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати ғоят жўш урган шароитда, коммунистик қурилишда янги ажойиб муваффақиятларга эришиш билан кутиб олмоқдалар. Совет кишилари, армия ва флот жангчилари КПСС-нинг бўлажак XXIV съездига тайёргарлик кўриб, ўз сафларини партия теварагида тағин ҳам маҳкамроқ жипслаштирмоқдалар.

Совет Қуролли Кучлари Марказий Комитетни, ҳукуматимизни, бутун совет халқини ишонтириб айтадиларки, улар бундан буён ҳам социалистик Ватанни ҳимоя қилишнинг шонли жанговар анъаналарига содиқ бўлиб қоладилар, улуғ Ленин байроғи остида коммунизм йўлидан бораётган Ватанимизнинг тинч ривожланиши ва равнақ топишини таъминлаш учун ҳамма ишларни қиладилар!

Яшасин жангчи ва бунёдкор улуғ совет халқи!

Яшасин шон-шуҳрат қозонган Совет Қуролли Кучлари!

Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

(Ўртоқ А. А. Гречко доклади зўр диққат, эътибор билан тингланди ва бир неча бор қарсаклар билан бўлиниб турди).

СССР Мудофаа министрининг БУЙРУҒИ

1970 йил 9 май № 112 Москва шаҳри.

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!

Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Армия ва флот ветеранлари, Улуғ Ватан урушининг ҳамма қатнашчилари!

Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари, қардош социализм мамлакатларининг меҳнаткашлари, бутун прогрессив инсоният бугун фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 25 йиллигини нишонламоқдалар.

Қаҳрамон совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари герман фашизмини тор-мор келтиришда ҳал қилувчи роль ўйнадилар. Улар жаҳон империализмининг зарбдор кучларига қарши курашнинг асосий оғирлигини ўз зиммаларига олдилар.

Совет жангчилари ва партизанлари Ватанимизнинг душманларига қарши шиддатли жангларда оммавий қаҳрамонлик кўрсатдилар, мамлакат ичкарисидаги меҳнаткашлар ғалаба учун фидокорона замин тайёрладилар. Бизнинг халқимиз тарихий ғалабага эришиш йўлида жуда оғир синовларга бардош берди ва қаҳрамон халқ деб шуҳрат қозонишга сазовор бўлди.

Совет кишилари Ғалаба кунини байрам қилар эканлар, гитлерчиларга қарши коалицияда бўлган барча мамлакатлар халқлари ва армияларининг фашизмни тор-мор келтиришдан иборат муштарак ишга қўшган ҳиссаларини, фашизмга қаршилик кўрсатиш ҳаракати курашчиларининг мардонаворлигини қадрлайдилар.

Ғалабанинг йигирма беш йиллиги шонли Ленин юбилейи нури билан чароғон бўлди. Буюк зафарларимизнинг ҳаммаси Ленин номи билан боғланган. Ленин ғоялари ва васиятлари Улуғ Ватан уруши йилларидагидек ҳозир ҳам барча совет кишилари учун илҳом ва умидворликнинг битмас-туганмас манбаидир.

Фашизм устидан қозонилган ғалаба жамиятимизнинг монолит бирлигини, Совет давлатининг тош метиндек мустаҳкамлигини, социализмнинг капитализмга нисбатан афзаллигини намойиш қилди. Бу ғалаба Совет Иттифоқи ленинчи Коммунистик партиясининг доно раҳбарлиги туфайли қўлга киритилди.

Улуғ Ватан урушининг ғолибона тугалланиши Европа халқларини гитлерчилар зулмидан халос қилди, жаҳонни фашизм асоратига тушиб қолиш хавфидан қутқазди. Герман фашизмининг, сўнгра эса япон милитаризмининг тор-мор қилиниши Европа ва Осиёдаги бир қанча мамлакатларда халқ-демократик революцияларининг ғалаба қозонишига, халқаро революцион, демократик ва миллий озодлик ҳаракатининг юксалишига ёрдам берди, тарихий тараққиётнинг шундан кейинги бутун боришига жуда катта таъсир кўрсатди.

Бизнинг Ватанимиз урушдан кейинги йилларда урушнинг оғир оқибатларини тугатибгина қолмай, балки олға қараб катта қадам ҳам қўйди, экономика, фан, техника ва маданиятни ривожлантиришда жуда катта муваффақиятларга эришди. Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари Ленин юбилейи йилини беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш билан нишонлашга якдиллик билан қатъий қарор бергандирлар. Улар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини кўпайтириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун зўр ғайрат билан курашмоқдалар.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг меҳнаткашлари совет халқи билан бир сафда комил ишонч билан янги ҳаёт барпо этиш йўлидан бормоқдалар. Социализм ўтган чорак аср мобайнида янги марраларни эгаллади, қудратли жаҳон системасига айланди. Социалистик мамлакатларнинг мустаҳкам ҳамкорлиги ва жанговар жипслиги, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг, антиимпериалистик фронтдаги барча курашчиларнинг бирлиги доим ўсиб, тобора мустаҳкамланмоқда.

Аммо, империалистик кучлар, аввало, АҚШдаги империалистик кучлар тарих сабоқларини назар-писанд қилмай, тинчлик ва халқлар хавфсизлиги ишига яна таҳдид қилмоқдалар, социализм мамлакатларига қарши қўпорувчилик ишларини кучайтирмоқдалар, халқаро кескинликни авж олдирмоқдалар, бошқа мамлакатларнинг ҳаётига беҳаёлик билан аралашмоқдалар, Шарқи-Жанубий Осиёда уруш доирасини кенгайтиришдек хатарли йўлни ўтказиб келмоқдалар, исроиллик агрессорларнинг жиноий ҳаракатларини рағбатлантирмоқдалар.

Партия ва ҳукумат жаҳон миқёсида воқеаларнинг мураккаб ривожини эътиборга олиб, Совет давлатининг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, армия ва флотнинг жанговар куч-қудратини ошириш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Ҳозирги пайтда СССР Қуролли Кучлари замонавий жанговар техника ва қурол-яроғлар билан таъминланган. Бу ҳарбий техника ва қурол-яроғлар ўз халқига чексиз содиқ бўлган жангчиларнинг мустаҳкам қўлидадир.

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотининг шахсий составини, Улуғ Ватан урушининг барча қатнашчиларини Ғалаба байрами билан табриклайман ва қутлайман!

Совет жангчилари! Қурол-яроғ ва жанговар техникани кунт билан эгаллангиз, ҳарбий маҳоратни такомиллаштирингиз; интизомни мустаҳкамлангиз! Қуролли Кучларнинг қаҳрамонона традицияларини муқаддас билиб сақлангиз ва кўпайтирингиз, жанговар ва сиёсий тайёргарликда янгидан-янги муваффақиятларга эришингиз!

Фашистлар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 25 йиллигини нишонлаш учун **буюраман:**

Бугун, 9 майда маҳаллий вақт билан соат 21 да Ватанимизнинг пойтахти — қаҳрамон Москва шаҳрида, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар Ленинград, Волгоград, Севастополь, Одессада, қаҳрамон Брест қалъасида, ҳарбий округлар ва флотларнинг қўшин бошқармалари жойлашган шаҳарларда, шунингдек, Белгород, Брянск, Горький, Грозний, Днепропетровск, Донецк, Иркутск, Красноярск, Курск, Мурманск, Новороссийск, Омск, Орджоникидзе, Орёл, Петропавловск-Камчатск, Смоленск, Тула, Харьков, Челябинск, Жанубий Сахалинск шаҳарларида тўплардан бир йўла ўттиз марта ўқ узиб салют берилсин.

Чорак аср муқаддам герман фашизми устидан жаҳоншумул тарихий ғалабага эришган совет жангчилари, партизанлар, ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг, шонли хотин-қизларимиз ва ёшларимизнинг улуғ жасорати асрлар оша сўнмасин!

Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган қаҳрамонларга абадий шон-шарафлар!

Яшасин коммунизм қураётган улуғ совет халқи!

Яшасин тинчлик ва социализм ишини сергаклик билан қўриқлаётган Совет Қуролли Кучлари!

Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

СССР мудофаа министри
Совет Иттифоқи Маршали
А. ГРЕЧКО.



МЕҲРИБОН ОПА

БИР НЕЧА йиллардан бери шифохонамизда ҳалол меҳнат қилиб келаётган бу опанинг юксак қалб эгаси эканлигини бир неча бор гувоҳи бўлганмиз. Ҳа, медицина хизмати аълочиси Ҳикоят опа Муталова шарафли йўлни босиб ўтган.

...Улуғ Ватан уруши бошланганда Ҳикоят эндигина ўн етти баҳорни кўрган эди. Тенгқур дугоналари қатори 1941 йилнинг ўрталарида фронтга жўнади. Лекин ўзи бевосита жангларда иштирок эта олмади. Фронт орқасида ҳам жасоратли, иродали одамлар керак эди. Х. Муталова Владивосток шаҳридаги ҳарбий госпиталда хизмат қилди, туну кун тиним билмай ишлади. Соғ госпиталда, соғ эвакуация қилинган болалар орасида бўлди. Бўш вақтларида эса ҳамшира қизлар билан биргаликда яқиндаги совхоз далаларига бориб, деҳқончилик ишларида ёрдам берди.

Урушдан сўнг Ҳикоят опа яна ўз касбини давом эттирди. 15-болалар касалхонасида ҳамшира бўлиб ишламоқда. У хизмат қилаётган «Бешёғоч» даҳасидаги мингдан ошиқ хонадон аҳли меҳрибон опа хизматидан миннатдордирлар. Жангу жадал йилларида юзлаб кишиларимиз ҳаётини сақлаб қолишда ўзининг камтарин ҳиссасини қўшган опамиз Ҳикоят Муталовани бугунги кунда Галаба байрами билан чин қалбдан табриклаймиз.

А. АБДУСАТТОРОВ,
Тошкент шаҳридаги 15-болалар касалхонасининг бош врачи.



БУ ФОТОРАСМ 1941 йилнинг июль ойида Молдавиянинг Бельци шаҳрида олинган. Расмда тасвирланган йигит менинг дўстим — Сойназар Ниёзовдир. У билан бирга Тошкентда 20-йилларнинг охирида болалар уйида бирга тарбияланган эдик.

Сойназар Улуғ Ватан уруши бошланмасдан Совет Армияси сафига чақириладди. 1941 йилнинг даҳшатли 22 кунини у Совет—Руминия чегарасида кутиб олади.

— Уша кунга ўтар кечаси жимжитлик бўлди. Эрталаб дўстларим билан бирга постга чиқдик, —деб эслайди Сойназар, — дафъатан бизга қарши пулемётдан ўқ уздилар. Чегарадан танк-

ЖАСУР ЙИГИТ

лар, немис солдатлари ўтиб кела бошладилар. Бир зумда ҳаммаёқни қора туман босди. Бир неча кун душман сиқувини ушлаб туришга муваффақ бўлдик. Лекин кейин...

Азоб-уқубатли, миллион-миллион кишилар ёстиғини қуритган уруш ана шундай бошланган эди. Сойназар урушнинг биринчи кунидан сўнгги дақиқаларигача олов ичида бўлди, гитлерчи каллакесарларга қарши мардонавор жанг қилди. Бир неча бор ярадор бўлди. Ҳар сафар соғайиб яна фронтга қайтди. Жасур йигит ғалаба кунларини қардош Чехословакия пойтахти Прагада қарши олди.

Сойназар она юртига қайтгач, яна ўз касби бўйича стоматолог бўлиб ишлай бошлади. У ҳозирги кунда Ботаника санаторийсида ерач бўлиб хизмат қилмоқда. Бугун дўстимиз Сойназар Ниёзов 50 ёшга тўлади. Унн улуғ айём билан муборакбод қилар эканмиз, жангчи ва шифокор биродаримизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилаймиз.

Туроб НОСИРОВ,
ўқитувчи, Чирчиқ шаҳри.

„ҲАЛОСКОРЛИК“

Янги фильмлар

... Гитлер бошлиқ германфашистлари ён-веридаги каттакичик мамлакатларни босиб олгандан сўнг Совет Иттифоқига ташланди. Тиш-тирноғигача қуролланган фашистлар кейинчалик Англия, Америка ва бошқа мамлакатларга ҳам ҳужум қилиши турган гап эди. Бутун Европани, қолаверса бутун инсониятни офатдан —фашизмдан қутқариш —халос этиш керак эди. Фильмнинг «Халоскорлик» номи билан аталишининг боиси ҳам шунда. Халқларни фашизм асоратидан қутқариб қолишда халқимиз ва унинг қуролли кучлари мисли кўрилмаган жасорат кўрсатганлиги бу фильмда тўла-тўкис ўз аксини топган. Тарихни сохталаштирувчилар совет халқи ва армиясининг ғалаба қилишдаги аҳамиятини камситмоқчи ва ҳатто йўққа чиқармоқчи бўлаётган бир пайтда ҳақиқий ҳолатни жаҳон халқларига тушунтириб бериш ниҳоятда муҳим вазифадир.

Фильмдаги ҳарбир саркарда, ҳарбир аскарни ўнлаб, юзлаб, минг ва миллионларча аскар ва саркардаларимиз рамзи, деб тушуниш керак. Артиллерия капитани Цветаев, ҳамшира Зоя, полковниклардан Громов ва Лукин, мардларча ҳалок бўлган Максимов, ординар Сашка шулар жумласидан. Жангда эгаллаб турган мавқеидан қатъий назар, қаҳрамонлар хатти-ҳаракатидагина эмас, балки фикр-мулоҳазаларида ҳам уйғунлик яққол кўзга ташланади.


«Халоскорлик» киноэпопеяси беш фильмдан иборат бўлиб, дастлабки икки фильм «Ўтли ёй» ва «Ёриб ўтиш» деб аталган. «Ўтли ёй» марказида Курск остоналаридаги даҳшатли жанг ётади.

... Гитлер қароргоҳида Курск жангига қизғин тайёргарлик бормоқда. Совет Армияси Бош қўмондонлиги ҳам қараб тургани йўқ. Иккала қароргоҳдаги саҳналар биринчи фильмнинг асосини ташкил этади.

Маршал Жуков ва генерал Рокоссовский асир тушган немис офицерлари ахборотига кўра, душман жанг ҳолатини эгаллаши биланоқ унинг устига бутун артилерияни ишга соладилар. Зарба муваффақиятли чиқади.

Иккинчи фильм «Ёриб ўтиш» Днепр учун бўлган жангни акс эттиради. Буниси ҳам ўша «ақллар кураши»дан бошланади. Днепр ёқасида бир неча плацдарм ташкил этилиб, улардан баъзилари йўлига тузоқ қўйилган. Душман Киевга ҳужум бошлаш учун қайси бир плацдарм муҳимроқ эканлигидан ҳали бехабар.

Иккинчи фильмда қалбаки плацдармда жанг қилувчи фильм қаҳрамонлари — Зоя, Цветаев, Орлов кабилар ўлимга кетаётганликларини билишади, бироқ Ватан ҳимояси учун жонларини ҳам аямайдилар. Жангдан фақат Цветаев ва Орловгина омон чиқишади.



Иккинчи фильм қўшинларимизнинг Днепр оша Киевга киришлари, СССР Халқ Комиссарлари Советининг Раиси И. В. Сталин, Қўшма Штатлар президенти Рузвельт ва Британия бош министри Черчилль иштирокидаги Теҳрон конференцияси лавҳаси билан тугайди.

Г. МИРЗАЕВ.

Суратда: «Ҳалоскорлик» фильмидан кадр.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

*** УРУШ ОЛОВИНИ ЁҚУВЧИЛАР ЖИЛОВЛАБ ҚЎЙИЛСИН. * АҚШ ҲУКУМАТИНИНГ БОСҚИНЧИЛИК СИЁСАТИНИ БУТУН ДУНЁ ҚОРАЛАМОҚДА. * СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ ҚИЗҒИН МАЪҚУЛЛАНМОҚДА. * АМЕРИКА ҚЎШИНЛАРИ КАМБОДЖА ТЕРРИТОРИЯСИДАН ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИЛСИН.**

Америка қўшинларининг Камбоджага бостириб киргани Шарқи-Жанубий Осиёдаги аҳволни янада кескинлаштириб юборди. Бутун дунё халқлари Америка қўшинларининг шу хуружини қораламоқдалар ва ана шу ҳужумдан ташвишланмоқдалар. Кўп мамлакатларнинг жамоатчилиги Ҳинди-Хитойдаги уруш тўхтатилсин ва Америка қўшинлари Ҳинди-Хитойдан олиб чиқиб кетилсин, деб талаб қилмоқда.

СОФИЯ

Болгария Халқ Республикаси касаба союзлари марказий кенгаши баёнот қабул қилди, деб хабар беради Болгария Телеграф агентлиги. Касаба союзлар марказий кенгаши бу баёнотида Америкаиинг Ҳинди-Хитойдаги агрессиясини яна кенгайтирганлигидан дарғазаб бўлганлигини билдиради. Камбоджага қарши қилинган агрессия Женева битимларини қўпол равишда бузиш, шунингдек бу мамлакатнинг суверенитети ҳамда бетарафлигига қасд қилишдир, дейилади баёнотда. Болгария меҳнаткашлари Вьетнам, Лаос ва Кхмер халқлари билан бирдам эканликларини ва уларнинг ҳаққоний курашини қўллаб-қувватлаётганликларини яна бир марта изҳор қиладилар.

БУДАПЕШТ

Жаҳон демократик ёшлар федерациясининг президенти А. Олива ТАСС мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди: Ҳинди-Хитойдаги урушнинг яна кучайтирилганлиги Шарқи-Жанубий Осиёдаги вазиятни анча кескинлаштириб юборди.

Биз, деб таъкидлади А. Олива, Америка қўшинлари Ҳинди-Хитойдан тамомила олиб чиқиб кетилганидагина бу мамлакатнинг халқлари тинч яшай оладилар, деб ҳисоблаймиз. Жаҳон демократик ёшлар федерацияси илгари ҳам Вьетнамдаги урушга актив суратда қарши чиққан барча тараққийпарвар ёшларни Америка қўшинларининг бетараф Камбоджага бостириб кирганлигини қатъий қоралашга чақиради.

БЕЛГРАД

Югославиянинг «Борба» газетаси қуйидагиларни ёзади: кейинги вақтларда Шарқий Жанубий Осиёда бўлган воқеалар ҳарбий интервенция ва агрессия қилиш сиёсати АҚШдаги милитаристик доираларнинг одатдаги практикаси бўлиб қолаётганлигини исбот этади.

Америка қўшинларининг Камбоджага бостириб кириши, деб уқтириб ўтади газета, бутун дунёда тинчликка жиддий хавф туғдиради.

ВЕНА

Америка офицерларининг гапларига қараганда, АҚШнинг Камбоджага бостириб кирган интервенциячи қўшинлари «ҳамма ёққа ўт қўйиш» тўғрисида буйруқ олганлар. Австралиядаги «Курир» газетасининг мухбири Америка қўшинлари ҳаракат қилаётган райондан шу тўғрида ҳабар беради. Агрессорнинг қўшинлари, дейилади хабарда, ана шу ваҳшиёна буйруқни сидқидил билан бажармоқдалар. Бу қўшинлар уйларга ўт қўймоқдалар, чорва молларни ва ғалланя йўқ қилмоқдалар, қишлоқлар ўт ичида қолган.

ТАСС.

ДЎСТЛИККА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА

Куни кеча Тошкент Давлат консерваторнясининг талабалари, ўқитувчилар коллективи ва шаҳар жамоатчилиги Чехословакия Социалистик Республикасининг фашист газандаларидан озод қилинган кунининг 25 йиллигига бағишланган кечага тўпланишди.

Концертлар залида Совет Иттифоқи, Чехословакия Социалистик Республикаси ва Ўзбекистон ССР байроқлари ҳилпираб турибди. Икки қардош мамлакатлар ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорликни ифодалаб берувчи сўзлар ёзилган алвонлар осиғлиқ.

Кечани Ўзбекистон дўстлик жамияти Президиумининг раиси Ҳ. С. Шукурова кириш нутқи билан очди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари А. М. Қосимов Чехословакия Республикасининг босиб ўтган 25 йиллик қаҳрамонлик йўлига бағишланган доклад қилди.


Кечада Чехословакияни немис фашистлар асоратидан озод қилишда қатнашган уруш ветеранлари, экскаватор заводининг директори Н. И. Гликлад, «Билим» жамияти правлениеси раисининг ўринбосари, запасдаги полковник И. В. Володин ўз хотираларн билан чиқишди. Яқинда Чехословакия Республикасида бўлган журналист И. Юсупов ўзининг таассуротлари ҳақида гапириб берди.

Кеча қатнашчилари Совет-Чехословакия дўстлиги жамияти правлениеси номига табрик телеграммасини йўлладилар.

АГРЕССОР ҲАДДИДАН ОШМОҚДА

АММОН, 6 май. (ТАСС). Исроил ҳарбийлари Иордания билан ўт очишни тўхтатиш чизиғида кескинликни яна авж олдирмоқдалар.

Иордания ҳарбий вакили бу ерда қуйидагиларни айтди: исроилликлар бугун эрталаб маҳаллий вақт билан соат 6 дан 45 минут ўтганида Иордания армиясининг Тел ал-Арбаин райониданги (Иордан дарёси водийсининг шимолий қисми) позицияларини автомат қуроллардан ўққа тутдилар.



ПОЛЬША. Опольск воеводлигига қарашли Лигот давлат хўжалигига қарашли ерларда баҳорги дала ишлари бошланиб кетди. Деҳқонлар дон экишни жадал суръатларда олиб боришмоқда. Суратда: дон экиш пайти.

ЦАФ — ТАСС фотоси.

ЧССР ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

ПРАГА, 6 май. (ТАСС). Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг Чехословакия Телеграф агентлиги тарқатган баёнотида бундай дейилади: шу кунларда мамлакат Совет Армияси томонидан озод қилиниган кунининг ва фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 25 йиллигини байрам қилаётган чехословак халқи АҚШ ҳукуматининг Ҳинди-Хитой халқларига қарши янги агрессив ҳаракатларидан қаттиқ дарғазаб бўлди. Чехословакия Социалистик Республикасининг ҳукумати Вьетнам Демократик Республикаси территорияси яна бомбардимон қилинаётганлигини ҳам янги агрессив қадам деб ҳисоблайди. Америка ҳукумати ўзининг ана шундай ҳаракатлари билан, деб таъкидланади баёнотда, ўз сиёсати инсониятнинг душманликдан иборат эканлигини яна бир марта кўрсатди.

Баёнотда айтиладики, президент Никсоннинг кейинги тадбирлари Никсон ҳукуматининг сўзи билан иши бир-биридан фарқ қилганлигини тасдиқлайди. АҚШ ва қўғирчоқ Сайгон режими қўшинларининг бетараф Камбоджа территориясига бостириб кирганлиги бу мамлакатнинг суверенитетини қўпол равишда бузишдан бошқа бир нарса эмас. АҚШ ҳукумати амалда Америка қўшинларининг ҳарбий операцияларини Ҳинди-Хитойдаги бошқа мамлакатларга нисбатан ҳам тадбиқ этишга киришди ва Америка империализмининг асил ниятлари ҳамда мақсадларини яққол кўрсатиб берди.

Баёнотда яна уқтириб ўтилганидек, Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукумати Ҳинди-Хитойда уруш доирасини кенгайтириш хавфига қарши чиқаётган барча ҳукуматлар билан ўзининг кўч-гайратини бирлаштиришга тайёрдир.

Баёнотда айтиладики, Чехословакия Социалистик Республикаси Вьетнам, Лаос ва Камбоджа халқларининг Америка империализмига қарши, озодлик ва мустақиллик учун олиб бораётган курашини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайверади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

9.55 — **Кўрсатувлар программаси.** Рус тилида: 10.00 — **«Бугун ғалаба байрами».** 10.10 — **«Халқнинг содиқ фарзандлари»** (Ҳужжатли фильм). 11.20 — Буюк ғалабанинг 25 йиллиги. **«Уткир зеҳнлилар мушорасн»** (Эфирда — Қўқон коммунал хўжалик техникуми ва Қўқон медицина билим юрти талабалари). (Ўзбек тилида). 12.35 — **«Қаҳрамонлар яна учрашишди»** (Телеочерк).

12.55 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

16.55 — **Кўрсатувлар программаси.** 17.00 — **Телеэнгликлар** (рус тилида).

Ўзбек тилида: 17.10 Ўқувчилар учун. **«Оталаримиз жасорати».** 17.40 — **Мультфильм.** 18.00 — **Телеэнгликлар.**

Рус тилида: 18.15 — **«Жанговар шуҳрат клуби».** 19.55 — **Кўрсатувлар программаси.**

20.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

15.05 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — **Хатлардан — қўшиқларга** (Жангчиларнинг талабларига мувофиқ концерт). 20.40 **«Балойи азим»** (Бадиий фильм). 21.55 — **«Ёшлик»** студияси кўрсатади. **«Мардлик — мангулик».**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

16.45 дан — **Душанба кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 9/V да **Севилья сартароши** (кундузи). **Риголетто** (кечқуруи).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/V да **Парвона** (кундуз ва кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 9/Vда **Қайнона** (кундуз соат 12-да), **Байрам концерти** (кундуз соат 4 да), **Кумуш тўй** (кеч соат 8 да).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Лилипутлар иштирокида джаз-оркестр гастроллари.**

«ЮБИЛЕЙНИЙ» СПОРТ САРОЙИДА — **Ленинград Давлат муз устидаги балетининг гастроллари.**

КИНО

Ужар Кура — НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқуруи), «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Урушдан сўнг неч соат 6 да — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 10 яримда). «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10, 11.45 ва кундуз 4 да), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Қироллар, регентлар ва масхарабозлар — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, кеч 10 да), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

«ТОШКЕНТ ДЕНГИЗИ» МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ ПАРКИДА

9 МАЙДА

ГЕРМАНИЯ ФАШИСТЛАРИ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ 25 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ ТАНТАНАСИ УТКАЗИЛАДИ

БАЙРАМ ПРОГРАММАСИДА:

ДОСААФ сув спортчилари клубининг сув паради. Тошкент областидаги бадиий ҳаваскорлар коллективларининг чиқиши, спорт мусобақалари.

ПАРКДА: аттракционлар, қайиқ станцияси, буфет, ошхона ва ресторанлар ишлайди.

«Сквер революцияси — Тошкент денгизи» автобуси билан бориш мумкин.

САНЪАТ САРОЙИДА

ГЕРМАНИЯ УСТИДАН ҒАЛАБА ҚОЗОНИЛГАН КУННИНГ 25 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН

ЯНГИ, РАНГЛИ, КЕНГ ФОРМАТЛИ, КУП СЕРИЯЛИ

«ҲАЛОСКОРЛИК»

БАДИИЙ ФИЛЬМИ

НАМОЙИШ ҚИЛИНМОҚДА

СОВЕТ АРМИЯСИНИНГ ГИТЛЕР БОСҚИНЧИЛАРИНИ ТОР-МОР ҚИЛИШИ ҲАҚИДАГИ КИНО ЭПОПЕЯ.

«МОСФИЛЬМ» киностудияси маҳсулоти.

ФИЛЬМДА СССР, ГДР, ПОЛЬША, РУМИНИЯ ВА ИТАЛИЯ АРТИСТЛАРИ ИШТИРОК ЭТАДИЛАР.

БИРИНЧИ ФИЛЬМ.

«ОЛОВЛИ ЁЙ»

(Курск остонасидаги жанг)

ИККИНЧИ ФИЛЬМ

«ЁРИБ ЎТИШ»

(Днепр соҳилларидаги жанг).

Сценарий муаллифлари — Юрий БОНДАРЕВ, Оскар КУРГАНОВ, Юрий ОЗЕРОВ.

Постановкачи режиссёр — Юрий ОЗЕРОВ.
Бош оператор — Игорь СЛАБНЕВИЧ.
Бош рассом — Александр МЯГКОВ.
Композитор — Ю. ЛЕВИТИН.
Овоз операторн — Ю. МИХАЙЛОВ.

Сеанслар: кундуз соат 3, кеч 6.15 ва 9.15 минутларда бошланади.

Шанба ва якшанба кунлари сеанслар кундуз соат 12, 3.15, кеч 6.15 ва 9.15 минутларда бошланади.

Сеанслар тугашига ҳамма маршрутлар бўйича автобуслар берилади.

Коллектив бўлиб кўриш учун аризалар қабул қилинади. Олдиндан билет сотиш кассаси эрталаб соат 10 дан кеч 9 гача очиқ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Лилипутлар иштирокида

ДУНЁДА ЯГОНА ДЖАЗ-ОРКЕСТР ГАСТРОЛЛАРИ

Постановкачи — РСФСРда хизмат кўрсатган маданият ходими М. КАЧУРИНЕР.

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

БОЛГАРИЯ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

9 ва 10 май кунлари уч марта: кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да томоша кўрсатилади.

Касса эрталаб соат 11 дан очиқ.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

10 МАЙДА

М. ҚОРИҚЎЗОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ КОНЦЕРТИ

Қатнашадилар: Ўзбекистон ССР халқ артисти **ҚУНДУЗ МИРКАРИМОВА,**

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: **ОЛМАХОН ХАЙИТОВА, ЖУМАНАЗАР БЕКЖОНОВ, ҚУВОНДИҚ ИСКАНДАРОВ, МЕҲРИ АБДУЛЛАЕВА:**

Солистлар: **Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Ойхон ЕҚУБОВА, Манзура МУМИНОВА, Санда ТОЛИБОХУНОВА, Сора ШУКУРОВА, Абдуқодир ЮСУПОВ, Отажон РАҲАБОВ.**

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ

Программани — ҒУЛОМ ТОЖИ-АЪЛОЕВ олиб боради.

Концерт неч соат 8 да бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан, район кассаларида эрталаб соат 11 дан сотилади.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Г. 1641. ИНДЕКС — 64697. Р. 01480.